БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 265 (19.341). • 1985 йил 19 ноябрь, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВ ЖЕНЕВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев АҚШ президенти Р. Рейган билан учрашиш учун 18 ноябрь куни Москвадан Женевага жўнаб кетди.

Олий даражадаги Совет—Америка учрашувида қатнашиш учун М. С. Горбачев билан бирга жўнаб кетган расмий кишилар орасида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Г. М. Корниенко, СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин, КПСС Марказий Комитети Пропаганда бўлимининг мудири А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети Халқаро ахборот бўлимининг мудири Л. М. Замятин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров бор.

Аэропортда М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, Н. В. Тализин, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари Б. Н. Ельцин, Л. Н. Зайков, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, В. П. Никонов, К. В. Русаков, бошқа ўртоқлар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида АҚШнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Р. Комс, Швейцариянинг СССРдаги муваққат ишлар вакили М. Фон Грюниген бор эдилар.

(ТАСС).

Суратда: аэропортда кузатув пайти.

(ТАСС).

М. С. ГОРБАЧЕВ ЖЕНЕВАГА КЕЛДИ

М. С. Горбачев 18 ноябрь куни Женевага келди. Куантрэн аэропорти. Совет Иттифоқилик олий мартабали меҳмоннинг келиши шарафига бу ерда СССР ва Швейцария давлат байроқлари кўтарилган.

Соат 11 дан 45 минут ўтганда совет авиалайнери қўнади. Самолёт пиллапояси ёнида М. С. Горбачевни Швейцария Конфедерациясининг президенти К. Фурглер кутиб олди. Кутиб олишда Швейцария ташқи ишлар департаментининг бошлиғи П. Обер иштирок этди.

Кутиб олувчилар орасида СССРнинг Швейцариядаги элчиси И. И. Ипполитов, СССРнинг Женевадаги БМТ бўлими ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий вакили М. Д. Ситенко бор эдилар.

К. Фурглер Совет Иттифоқидан келган олий мартабали меҳмонни табриклаб бундай деди:

— Хуш келибсиз! Халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ва яхши ҳамжиҳатлик манфаатлари йўлида сизга муваффақиятлар тилаймиз.

Сиз билан президент Рейган ўртасидаги учрашув бизнинг мамлакатимизда бўлиши биз учун шарафдир ҳамда Швейцариянинг анъанавий бетарафлигига ишонч нишонасидир. Биз Европа марказидаги мамлакат сифатида боғловчи бўғин вазифасини бажаряпмиз. Кейинги 700 йил мобайнида Швейцария Конфедерацияси одилона тинчликка содиқ бўлган эркин кишиларнинг иттифоқи бўлиб келмоқда. Халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги тўла ҳамжиҳатлик ишига ўз ҳиссамизни қўшиш — бизнинг астойдил истагимиздир.

Тинчлик шаҳри Женева бир неча бор муҳим халқаро воқеалар шоҳида бўлган. «Женева музокаралари руҳи» номи билан машҳур бўлган мана шу ҳамжиҳатликка интилиш тўрт буюк давлатнинг 1955 йил июлидаги конференциясида қайд этилган эди. Президент Рейган билан бўладиган музокаралар чоғида Сизга ҳам шу яхши анъана йўлдош бўлади, деб умид қиламиз.

Совет халқи иккинчи жаҳон урушида 20 миллион кишидан жудо бўлганлигини биз шу уруш тамом бўлгач, орадан қирқ йил ўтганидан кейин ҳам яхши эслаймиз. Шу фактнинг ўзи хавфсизлик масалаларида, айниқса, ҳушёр бўлишга ундайдиган сабабдир. Бунга ўхшаш фалокатлар энди такрорланмаслиги керак. Умр бўйи уруш ва тинчлик масалалари ҳақида мушоҳада қилган улуғ рус ёзувчиси Лев Николаевич Толстой ўтни ўт билан, ёвузликни ёвузлик билан енгиб бўлмайди, фақат эзгулик ёвузликни енгади, деб айтган эди.

Бутун инсоният тинчликка, озодлик ва хавфсизликка интилмоқда. Сизларнинг умумий куч-ғайратларингиз самаралари бутун инсониятнинг тақдирига ижобий таъсир кўрсатишидан ва ялпи тинчлик йўлидаги босқичлар бўлиб хизмат қилишидан умидвормиз.

Муҳтарам Бош секретарь, Сизни Швейцария заминида яна бир бор табриклашимга ижозат бергайсиз. Владимир Ильич Ленин 1914—1917 йилларда Швейцарияда яшаганини, сизларнинг улуғ ёзувчиларингиз, шоирларингиз ва композиторларингиз мамлакатимизда меҳмон бўлиб, ўз асарлари билан бизни ошна қилганликларини эслатиб ўтмоқчиман. Кўпгина швейцарияликлар ҳам мамлакатингиз маданияти ва фани турли соҳаларида из қолдирганлар, баъзи машҳур архитектура иншоотлари швейцар меъморларининг лойиҳаси асосида бунёд этилган. Сиз Женевада бўлган вақтингизда мамлакатларимизнинг манфаатларига тааллуқли масалаларни муҳокама қилиш имконияти берилишидан хурсандман.

Сизларнинг муҳим вазифангиз бажарилаётган вақтда бутун фикри-зикримиз Сизга ва президент Рейганга қаратилган бўлади. Бош секретарь жаноблари, биз бу ишда Сизга катта муваффақиятлар тилаймиз.

Сўнгра М. С. Горбачев нутқ сўзлаб, бундай деди:

Муҳтарам президент жаноблари!

Муҳтарама хонимлар ва муҳтарам жаноблар!

Президент жаноблари, бизнинг шаънимизга айтган эзгу сўзларингиз учун Сизга миннатдорчилик билдираман. Менинг англашимча, бу сўзлар мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида вужудга келган муносабатларнинг характерини ифодалайди.

Биз Женева заминига қадам қўйганимиздан хурсандмиз. Асрлар давомида ажойиб шаҳрингиз маориф, тараққиёт, тинчлик ва озодлик учун курашчиларга кўп марталаб меҳмоннавоз бўлган.

Бизнинг давримизда Женева халқаро ҳамкорликнинг кўпгина анжуманлари ўтказиладиган жой бўлиб қолди.

Швейцария ўзи танлаб олган доимий бетарафлик статуси унинг халқаро муносабатларни ривожлантиришга каттагина ҳисса қўшишига кўмаклашаётганлиги шубҳасиздир. Совет Иттифоқи бу статусни ҳамиша ҳурмат қилиб келди ва ҳурмат қилаверади.

Бу сафар Женева Швейцария ҳукуматининг лутфан розилиги билан Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари раҳбарлари учрашадиган жой қилиб танланди. Бу учрашувда жуда муҳим масалалар муҳокама қилиниши лозим, умуман халқаро ишларнинг бундан буёнги бориши кўп жиҳатдан шу масалаларнинг ҳал этилишига боғлиқ бўлади. Аввало дунёда авж олиб кетган мислсиз қуролланиш пойгасини, унинг янги соҳаларга ёйилишини тўхатиш, инсониятни ядро уруши хавфидан халос этиш, халқлар ўртасида тинчликни ва бундан буёнги самарали ҳамкорликни таъминлаш учун нималар қилиш тўғрисидаги масала шу жумлага киради.

Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатларининг халқлари, дунёдаги бошқа мамлакатларнинг халқлари Женева учрашувидан ижобий натижалар кутмоқдалар.

Биз шу муҳим учрашувнинг айни шундай натижалар билан тугашига интиламиз, деб сизларни ишонтира оламан.

Президент жаноблари, мана шундай иззат-икром билан кутиб олганингиз учун Сизга яна бир бор миннатдорчилик билдираман.

Аэродромдан М. С. Горбачев мотоциклчиларнинг эскорти ҳамроҳлигида ўзига ажратилган резиденцияга йўл олди. Бу ерда Швейцариядаги совет муассасаларининг ходимлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевни самимий табриклаб кутиб олдилар. Болалар гуллар тақдим этишди. М. С. Горбачев ҳозир бўлган кишиларга кутиб олганликлари учун самимий миннатдорчилик билдирди.

* * *

Швейцария протоколига мувофиқ тушдан кейин КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевни расмий тантанали кутиб олиш маросими бўлди.

Швейцария ҳукумати қаророғоҳи биноси олдида Совет Иттифоқи ва Швейцария Конфедерациясининг байроқлари кўтарилди. Ҳарбий бўлинма саф тортиб турди, унинг командири М. С. Горбачевга рапорт берди. Ҳарбий оркестр икки мамлакат давлат гимнларини ижро этди. М. С. Горбачев билан К. Фурглер Швейцария армияси жангчилари сафи олдидан ўтдилар. Совет раҳбари ҳурматли меҳмонлар китобига имзо чекди.

Кутиб олиш маросимида Э. А. Шеварднадзе, П. Обер, Совет ва Швейцариянинг бошқа расмий кишилари бор эди.

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Гулистон, 18 ноябрь (ЎзТАГ). Сирдарё область партия комитетининг пленуми бўлди. Ташкилий масала кўриб чиқилди. А. Ш. Ҳабибуллаев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан пленум уни область партия комитетининг иккинчи секретари вазифасидан озод қилди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган Б. А. Алламуродов Сирдарё область партия комитетининг иккинчи секретари этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси арафасида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўн биринчи чақириқ республика Олий Советининг бўлажак иккинчи сессияси муносабати билан Олий Советнинг План-бюджет ва бошқа доимий комиссияларига Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йилги Давлат планини, 1985 йилги план қандай бажарилаётганлигини, республиканинг 1986 йилги Давлат бюджетини, шунингдек 1984 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни дастлабки тартибда кўриб чиқишни ва улар юзасидан тегишли хулосалар тайёрлашни топширди.

Президиум КПСС Марказий Комитетининг экономикани интенсивлаштириш асосида социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш тўғрисидаги йўл-йўриқларига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларига амал қилиб, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн иккинчи беш йилликка мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасида белгиланган топшириқлар план кўрсаткичларига тўла мувофиқ бўлишига, фан-техника тараққиёти суръатларини оширишга, ишлаб чиқилган структуравий ва инвестиция сиёсатини амалга оширишга, бошқариш ва хўжалик юритишнинг янги методларини практикага жорий этишга, республика халқ хўжалиги ихтиёрида бўлган барча резервлар ва имкониятларни сафарбар этишга, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежашга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилашга, савдо-сотиқдаги, айниқса, аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашдаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга, аҳолига кўрсатилаётган хизматни кенгайтиришга, янги беш йиллиннинг биринчи йилида муваффақиятли ишлаш, КПССнинг XXVII съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб кутиб олиш учун 1985 йилги план ва социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришга доимий комиссияларнинг диққат-эътиборини жалб этишни тавсия қилди.

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йилги Давлат планини ва 1985 йилги план қандай бажарилаётганлигини, Ўзбекистон ССРнинг 1986 йилги Давлат бюджети ва республика 1984 йилги бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботини дастлабки тартибда кўриб чиқиш юзасидан доимий комиссиялар ишини ташкил этиш Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет комиссияси зиммасига юкланди.

(ЎзТАГ).

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

Қўрқ Сирдарё областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди қарорларини бажара бориб, шу йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик планини муваффақиятли равишда бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, мўл пахта ҳосили етиштирдилар, йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказдилар ва давлатга пахта сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларини 18 ноябрь куни бажардилар. Тайёрлов пунктларига 411 минг тонна пахта етказиб берилди, бу пахтанинг 278 минг тоннадан кўпроғи ёки 67 проценти механизмлар ёрдамида териб олинди, машина терими плани 107 процент бажарилди. Ҳосилнинг 73 процентдан кўпроғи биринчи сортларга топширилди.

Ғўза зараркунандаларига қарши курашнинг биологик методи ҳамма жойда жорий этилганлиги, ўсимликлар ердан дефолиация қилинганлиги, йиғим-терим ишлари аниқ-пухта ташкил этилиб, тўхтовсиз олиб борилганлиги, теримчиларнинг юксак унумли ишлаши учун шароит яратиб берилганлиги пахтакорларнинг меҳнатда эришган ғалабасига кўп жиҳатдан кўмак бўлди.

Барча районлар ана шу меҳнат ғалабасига салмоқли ҳисса қўшди. Ворошилов районининг пахтакорлари социалистик мажбуриятларини бажардилар. Комсомол, Гулистон, Оқолтин, Боёвут, Ильич районларининг деҳқонлари пландан ташқари пахта тайёрламоқдалар. Сирдарё районининг пахтакорлари давлат топшириғини бажариш арафасида турибдилар, Ховос ва Меҳнатобод районларининг хўжаликлари эзгу маррага эришай деб қолишди.

«Фарғона», «Мирзачўл», «Малик», Руцкий номли, «Боёвут», «Социализм», «Октябрь 60 йиллиги», Гагарин номли совхозлар, Ворошилов районидаги Куйбишев номли, К. Маркс номли, Гулистон районидаги Ленин номли, «Октябрь», Комсомол районидаги «Коммунизм», Сирдарё районидаги «Ленинград» колхозлари ғўза парвариши технологиясини такомиллаштириш ва йиғим-терим ишларини комплекс механизациялаш асосида план ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар, машина терими салмоғини 80—90 процентгача етказдилар, Ворошилов районидаги Куйбишев номли, К. Маркс номли, Свердлов номли, Сирдарё районидаги «Ленинград», Гулистон районидаги «Октябрь» колхозларида, «Фарғона», «Малик», «Боёвут» совхозларида ва бошқа хўжаликларда ҳар гектар ердан 34—40 центнер пахта йиғиштириб олинди.

Ворошилов районидаги К. Маркс номли колхоздан Абдукарим Пардабоев, Григорий Борода, Куйбишев номли колхоздан Исомиддин Шарафиддинов, Свердлов номли колхоздан Абдували Рустамов, Гулистон районидаги Ленин номли колхоздан Бойтўра Аҳмедов, «Октябрь» колхозидан Ваҳобжон Тўйчиев, Сирдарё районидаги «Ленинград» колхозидан Карим Бакрадзе, «Малик» совхозидан Тўхтахон Қирғизбоева, «Фарғона» совхозидан Обид Ўролов, «Боёвут» совхоз-техникумидан Турсунқул Избосаров бошлиқ бригадалар ҳар гектар майдондан 40—50 центнердан хирмон қўтардилар.

Механизаторлар ҳосил йиғим-теримини муваффақиятли ўтказишда ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Область бўйича ҳар бир пахта териш машинасининг ўртача ишунуми 80 тоннадан ошди. Оқолтин районидан Машраб Темиров, Искандар Ўролов, Боёвут районидан Қўчқор Жуманов, Юсуф Эгамбердиев, Аҳтам Ахлиев, Ворошилов районидан Усмонқул Азимов, Борис Белов, Абдуҳаким Оқбўтаев, Гулистон районидан Собир Шарипов, Мадамин Маҳмудов, Ильич районидан Очил Турсунқулов, Бозорбой Йўлибоев, Комсомол районидан Эшбой Жуматоев, Сирдарё районидан Юсуп Каримов, Ортиқбой Ашуров сингари механик-ҳайдовчилар ва бошқалар ўз пахта териш агрегатлари бункерларидан 180—250 тоннадан ва бундан ҳам кўпроқ пахта тўкиб, ҳосил йиғим-теримида юксак маҳорат намуналарини кўрсатдилар.

Область шаҳарлари ва район марказларидаги саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, муассасаларининг ишчилари ва хизматчилари, олий ўқув юртларининг студентлари, техникумлар, ҳунар-техника билим юртлари ва ўрта мактабларнинг ўқувчилари пахта теримида колхоз ва совхозларга катта ёрдам бердилар. Тошкент шаҳрининг вакиллари ҳам салмоқли ҳисса қўшдилар.

Область колхоз ва совхозлари терим кампаниясини тугаллаш билан айни бир вақтда 1986 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини амалга ошириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтиришда янгидан янги муваффақиятларга эришиш йўлида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, КПСС XXVII съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб кутиб олиш учун ишларни авж олдириб юбордилар.

МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

БУХОРО

Ғиждувон районидаги С. Айний номли колхоз пахтакорлари давлатга 4,8 минг тонна «оқ олтин» топшириб якунловчи йил планини бажардилар. Ялпи хирмоннинг 1,4 минг тоннасини ипак пахта ва 1051 тоннасини уруғлик пахта ташкил этди.

САМАРҚАНД

Пастдарғом районидаги «Ўзбекистон» колхози аъзолари пахта тайёрлаш плани бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Ҳар гектар ердан 31,3 центнердан ҳосил олиниб, қабул пунктларига 3930 тонна пахта топширилди.

Хўжалик миришкорларининг ахди яна 500 тонна «оқ олтин» тайёрлашдан иборат.

СУРХОНДАРЁ

Областда шу кунга қадар тайёрланган ипак пахта хирмони 400 минг тоннадан ошиб кетди. Бу планда белгиланганидан 140 минг тонна кўпдир. Муваффақиятга ҳозиргача 61 минг тонналик хирмон уйган Ленин йўли ва 60,5 минг тонна «оқ олтин» топширган Гагарин, 52,2 минг тонна пахта тайёрлаган Шеробод районларининг саршуносларни муносиб ҳисса қўшдилар.

* * *

Жарқўрғон райони деҳқонлари пахта тайёрлаш плани бажарилганлигини маълум қилишди. Республика хирмонига 45,6 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Шунинг 95 процентини ингичка толали пахтадир. Бу муваффақиятда Норали Боймуродов, «Социализм» колхозлари, «Бўстон» ва «Сурхон» совхозларининг катта ҳиссалари бор.

СИРДАРЁ

Боёвут районида пахта тайёрлаш плани адо этилди. Давлатга топширилган 57,5 минг тонна «оқ олтин»нинг ярмидан кўпроғи «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Йиғим-теримни уюшқоқлик билан олиб борган «Боёвут» совхоз-техникуми, Пушкин номли, «1 Май» совхозлари, «Коммунизм» ва «Ленинизм» колхозлари азаматларининг уйган хирмонлари, айниқса, баракали бўлди.

Районда ялпи хирмонни 60 минг тоннага етказиш учун қизғин кураш олиб борилмоқда.

* * *

Ильич районидаги Титов номли совхоз деҳқонлари пахта тайёрлаш планини бажардилар. Она-Ватан хўжалик миришкорларидан 12 минг тоннадан ортиқ хом ашё қабул қилиб олди. Совхоз пахтакорлари яна 300 тонна «оқ олтин» тайёрлаш учун теримни қизғин давом эттиришаётир.

„ОҚ ОЛТИН" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 18 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун —областлар; иккинчи устун.—бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун—мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун—мавсум бошидан буён.

ФАРҒОНА	0,13	109,81	0,04	36,69
НАМАНГАН	0,08	107,27	—	85,61
ТОШКЕНТ	0,15	103,26	—	101,30
СИРДАРЁ	0,35	100,50	0,05	107,10
Андижон	0,42	97,82	0,23	61,66
Сурхондарё	0,47	97,10	0,04	87,53
Хоразм	0,11	93,72	0,17	54,72
ҚҚАССР	0,31	92,51	0,14	72,79
Жиззах	0,30	86,31	—	79,21
Бухоро	0,05	84,74	0,06	16,94
Самарқанд	0,41	83,76	0,01	43,39
Навоий	0,17	82,17	0,09	45,80
Қашқадарё	0,34	71,62	0,34	50,63
Республика бўйича:	0,26	93,38	0,10	65,50
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
СУРХОНДАРЁ	0,85	156,22	0,09	153,95
НАМАНГАН	0,10	110,26	—	—
Бухоро	0,38	76,79	—	—
Қашқадарё	0,77	72,43	0,59	58,60
Навоий	0,29	58,37	0,80	29,80
Республика бўйича:	0,77	120,82	0,27	110,63

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганлиги учун қуйидаги область республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди:

Сирдарё области — область партия комитетининг секретари В. А. Антонов, область ижроия комитетининг раиси И. Қўчқоров, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи С. К. Мирҳабибов, облсельхозтехника раиси М. К. Хобта, область сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Т. Б. Бобоев, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи область комитетининг раиси Д. Т. Турсунқулов, область комсомол комитетининг секретари И. Ю. Эрбеков.

* * *

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди:

Боёвут райони — район партия комитетининг секретари С. Аҳмадқулов, район ижроия комитетининг раиси И. Ибодуллаев, район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси Т. Маъмуров, район сельхозтехника бошқарувчиси О. Пирматов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи А. Губаев, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси И. Уманқулов, район комсомол комитетининг секретари А. Жумаев;

Чуст райони — район партия комитетининг секретари М. Хошимхўжаев, район ижроия комитетининг раиси Т. Жумаева, район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси А. Холмирзаев, райсельхозтехника бошқарувчиси Э. Мадалиев, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Р. Исоқжонов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси М. Маърупов, район комсомол комитетининг секретари М. Т. Бобоев;

Ильич райони — район партия комитетининг секретари Р. Хотамов, район ижроия комитетининг раиси Б. Мамадалиев, район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси А. Мубареков, райсельхозтехника бошқарувчиси В. П. Губин, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи М. Жалолов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Ш. Умаров, район комсомол комитетининг секретари Д. Ҳусанбоев.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Владислав Григорьевич **Колесниковни** СССР электрон саноати министри қилиб тайинлади.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Александр Иванович **Шокин** бетобликги сабабли пенсияга чиқиши муносабати билан уни СССР электрон саноати министри вазифасидан озод қилди.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Валентин Карпович **Месяц** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни СССР қишлоқ хўжалик министри вазифасидан озод этди.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

КПССнинг ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ПРОГРАММАСИ, ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШЛАР БИЛАН КПСС УСТАВИ ВА СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986 - 1990 ЙИЛЛАРГА ҲАМДА 2000 ЙИЛГАЧА ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

МЕҲНАТ КИШИСИ ЎЛУҒЛАНАДИ

Пленумдан қайтган куним бригадамиз аъзолари атрофимни қуршаб олишди. «Яхши бориб келдингизми?», «Қандай таассуротлар олдингиз?» «Пленум материалларини ўқидик. Лекин сиз, ҳар қалай, унда иштирок этдингиз, бизга батафсил гапириб беринг». Улар мени шу тахлитдаги саволларга тутишди. Сменадан сўнг бафуржа суҳбатлашдик.

Ҳақиқатан ҳам КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил октябрь Пленумидан бир олам таассурот билан қайтдим. Назаримда, бир мен эмас, иштирокчиларнинг барчаси ҳам ўзлари муҳокама қилган масалаларнинг улуғворлиги ва кенг миқёслилигидан таъсирландилар. Биз Пленум тугагач, фойега чиқибоқ, дастлабки фикр-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашдик.

— Жуда катта снёсий аҳамиятга молик ҳужжатлар қабул қилинди, — деди кимдир. — Буларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳар бир кишидан юксак матонат ва фидокорлик кўрсатишни талаб этади.

У ҳамманинг дилидаги гапларни айтган эди. Пленумда КПССнинг янги таҳриридаги Программаси, КПСС Устави (таклиф этилаётган ўзгартишлар билан), СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн иккинчи беш йилликкa ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳалари кўриб чиқилди. Уларда партиянинг бош йўли, унинг иқтисодий стратегиясининг энг муҳим масалалари, тарихнинг ҳам мамлакатимиз ичкарисида, ҳам халқаро майдонда бурилиш характерига эга бўлган ҳозирги, бениҳоя мураккаб ва масъулиятли даврида омма орасида ишлаш форма ва методлари белгилаб берилди.

Мана, қўлимизда КПСС янги таҳриридаги Программасининг лойиҳаси. Бу ҳужжатнинг ҳар бир сатри халқнинг турмуш фаровонлиги, бахт-саодати ҳақидаги ғамхўрлик билан йўғрилган. Унинг ғоявий-тарбиявий иш соҳасидаги бандида шундай сўзлар битилган: «Меҳнат жамият моддий ва маънавий бойлигининг асосий манбаи, кишининг социал обрў-эътиборини баҳолайдиган асосий мезон, унинг муқаддас бурчи, шахсни коммунистик руҳда тарбиялашнинг негизидир».

Тўғри, ҳаётий гаплар. Мана, ўзимдан мисол. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаётганимга 31 йил бўлди. Меҳнат дафтарчамда биргина «ишга қабул қилинсин» деган жумла бор, холос. Шунча вақтдан бери бир цех, бир бригадада ишлаб келаман. Дарахт бир жойда кўкаради, деган гап бор халқимизда. Ҳалол ва виждонан қилаётган меҳнатим мени элга танитди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлдим. Эндиликда бу шарафли номни оқлаш учун янада самаралироқ ишлашга интиляпман. Ҳозир меҳнат календаримда 1990 йилнинг июнь ойи ўтиб бормоқда. Корхонамизда бутун умрини ўз цехи, иш участкаси билан боғлаб, илғорлик кўрсатиб ишлаётган кишилар оз эмас. Уларнинг кўпчилиги, жумладан бригадамиз аъзолари ҳам кейинги беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Коллективимизда ажойиб анъана бор. Биз ўз билимимизни, тажрибамизни, албатта, кўпчилик билан ўртоқлашамиз. Уларнинг ҳам берилган топшириқни ўз вақтида бажаришига кўмаклашамиз, сафимизда қолоқлар бўлмаслигига интиламиз. Айниқса, мураббийлик ишига жуда ҳам жиддий эътибор билан қараймиз. Х. Тожимуродов, З. Ғофуров, О. Комилов сингари ажойиб ветеранларимиз бор. Уларнинг баъзилари пенсия ёшида бўлишларига қарамай, ҳамон ғайрат-шижоат билан ишлашяпти. Кекса ишчиларга нисбатан бизда чексиз ҳурмат-эътибор қарор топган. КПССнинг янги таҳриридаги Программаси лойиҳасида қайд этилганидек, цех партия ташкилоти «барча участкаларда ёш, истиқболли ходимларнинг Неъматуллаев, менинг шогирдим Рустам Нажмиддиновлар ҳам ҳозир мустақил ишлашяпти.

Партия мамлакатни фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга изчил жорий этиш ҳисобига ривожлантиришни мақсад қилиб қўймоқда. Аммо шундай бўлган тақдирда ҳам КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми материалларида таъкидланганидек, инсон омили жамият тараққиётининг муҳим шарти бўлиб қолаверади. Меҳнат кишисини тарбиялаш вазифаси эса кун тартибидан ҳеч қачон тушмайди.

КПССнинг янги таҳриридаги Программаси лойиҳасини ўрганаётиб, бизда шундай мулоҳаза туғилди. Унинг «Ғоявий-тарбиявий иш, маориф, фан ва маданият» бўлимида шундай сўзлар бор: **«КПСС меҳнаткашларни юксак ғоявийлик ва коммунизмга садоқат, совет ватанпарварлиги ва пролетар, социалистик интернационализм руҳида, меҳнатга ва ижтимоий бойлиққа онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашни, уларни маънавий маданият дурдоналаридан янада тўлароқ баҳраманд қилишни, социалистик турмуш тарзига зид бўлган хулқ-атворни бартараф этишни идеология ишининг асосий масаласи деб ҳисоблайди».** Бизнингча, «идеология ишининг асосий масаласи», деган жумлани янада кучайтириб, **«Иделогия ишининг бош вазифаси»**, дейилса яхши бўларди. Зеро, идеологиямиз биринчи навбатда кишиларни коммунистик руҳда тарбиялашга даъват этилгандир.

Меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири — меҳнат кишисига етарли шарт-шароитлар яратиб бериш, маданий-маиший, савдо хизматларини яхшилаш, турларини кўпайтириш ишлари ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Тошкент шаҳрини олиб кўрайлик. Пойтахтда транспорт хизматининг маромияхши эмас. Бунинг натижасида ишга кечикиб келиш ҳоллари содир бўляпти. Йўловчилар билан лиқ тўла автобус ёки троллейбуснинг асабийлашиб тушган одамнинг иш унумига путур етмайдими?! Бундан ташқари, турар жойлар, айниқса, кўп қаватли уйларни қиш мавсумига тайёрлашда бу йил ҳам жиддий камчиликлар бор. Айрим квартираларда совуқ сув бўлса — иссиқ сув бўлмайди, иссиқ сув бўлса — совуқ сув бўлмайди, ноитиш системалари ишламайди. Ана шу камчиликлар мутасадди идоралар томонидан ўз вақтида бартараф этилганда, ишчилар меҳнати янада унумлироқ ва самаралироқ бўларди. Аммо бригадамиз аъзолари бу нарсаларни рўкач қилиб олган дангаса ва ишёқмаслар билан муросасиздирлар. Меҳнат интизоми бузилишининг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз курашаверамиз.

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига қизғин тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги пайтда мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётига муносиб улуш қўшиш учун ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнаткаш янада ғайрат-шижоат билан ишлаши лозим.

Н. МАННОПОВ,
В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бригада бошлиғи, КПСС Марказий ревизия комиссияси аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ ОШИРИЛДИ

Бошланғич партия ташкилотимиз навбатдаги бюро мажлисида КПССнинг янги таҳриридаги Программаси, партия Устави (таклиф этилаётган ўзгартишлар билан), СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн иккинчи беш йилликкa ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаларини коммунистлар ва партиясизлар ўртасида ўрганишни ташкил қилиш тадбирларини пухта ишлаб чиқди. Бир ой ичида коммунистлар съездолди материалларини мустақил равишда ўқиб-ўрганадилар. Шунингдек, навбатдаги партия йиғилиши ҳам ана шу мавзуга бағишланади.

Мен шу кунларда Программа лойиҳаси ва партия Устави (таклиф этилаётган ўзгартишлар билан) лойиҳаларини диққат билан ўрганар эканман, улардаги қоида ва хулосаларни партия ташкилотимизнинг кундалик амалий фаолияти билан қиёсламоқдаман. Айниқса, Программа лойиҳасининг тўртинчи қисмидаги партиянинг совет жамиятига раҳбарлиги тўғрисидаги фикрлар менда алоҳида қизиқиш уйғотди.

«Кадрларга ишончни уларга нисбатан талабчанлик, иш натижалари учун, партия ва давлат интизомига риоя этилиш учун партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари олдидаги уларнинг шахсий масъулиятини кучайтириш, раҳбарлар фаолияти омма томонидан контрол қилиб турилишини кучайтириш билан боғлаб қўйилиб олиб бориш зарур. Ҳар бир раҳбар топширилган иш учун тўлиқ даражада жавоб бериши, одамлар билан муносабатни тўғри қуриши, шахсий намунаси билан уларни илҳомлантириши керак», деб таъкидланган мазкур ҳужжатда.

Шу муносабат билан партия ташкилотимиз бюроси яқинда қабул қилган бир қарор тафсилотини эсладим. Бундан бир неча ой муқаддам корхонамиз раҳбарларининг масъулиятсизлиги туфайли комбинатда фавқулодда ҳодиса юз берди. Технология ускуналарининг бирдаги носозлик оқибатида комбинат бир смена мобайнида тўхтаб қолди. Натижада область маркази аҳолисини сут маҳсулотлари билан таъминлашда узилиш содир бўлди.

Бошланғич партия ташкилотининг маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссияси ишдаги узоқ тўхталиш сабабларини пухта ўрганди. Ҳамма гап айрим цехларда меҳнат интизомининг сусайгани, профилактика ишлари устидан контролликнинг бўшлиги, цех бошлиқларига нисбатан талабчанлик сусайтириб юборилганида эди. Комиссия корхона раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш масаласини партбюро муҳокамасига қўйишни таклиф қилди. Партбюро секретари Д. Мингазова бу таклифни қўллаб-қувватлади.

Кўп ўтмай комбинат директори, коммунист В. Мокрецова, бош инженер, партия аъзолигига кандидат К. Насриев бюро мажлисида ҳисоб бердилар. Партия бюроси уларнинг ишлаб чиқаришга раҳбарлик соҳасидаги фаолиятига принципиал баҳо бериб, директор В. Мокрецовага виговор, бош инженер К. Насриевга қаттиқ огоҳлантириш эълон қилди. Ишдаги нуқсонларни тугатиш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди. Бундай талабчанлик уларнинг иш фаолиятига ижобий таъсир кўрсатди. Улар ишлаб чиқариш муаммолари билан мунтазам шуғулланиб, цех бошлиқлари ва смена мастерлари иши устидан назоратни кучайтирдилар. Бу эса ишлаб чиқаришнинг пастдан юқоригача барча бўғинларида мустаҳкам интизом ва уюшқоқликни таъминлади.

Пировардида комбинатимиз коллективи маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация этиш ўн ойлик плантопшириқларини ортиғи билан адо этди. Ишнинг сифат кўрсаткичлари кескин яхшиланди. Ўтган давр ичида 7 тонна шартли ёнилғи, 28 гигакалория иссиқлик, 8 минг киловатт-соатга яқин электр энергияси тежалди. Иқтисод қилинган энергия ресурслари ҳисобига икки сменада 120 тоннага яқин сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкин.

Мен ана шуларни назарда тутиб, КПССнинг янги таҳриридаги Программаси лойиҳасининг тўртинчи қисмидаги **«У раҳбарнинг янгиликни ҳис этиш, масъулиятни ўз зиммасига олишга шай бўлиб туриш, яхшироқ ишлашни ўрганишни исташ, ҳўжалик юритишнинг ва кишилар билан ишлашга алоқадор бўлган ҳар қандай фаолиятнинг снёсий моҳиятини ҳисобга ола билиш, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчан бўлиш каби фазилатларига принципиал аҳамият бераман»** деган жумладан сўнг **«Бирорта партия ташкилоти бирорта раҳбар ходимни контролдан четда қолдирмасин»** деб ёзиб қўйилишини таклиф қиламан. Зеро, бу раҳбар кадрларнинг шахсий масъулиятини янада оширишга ва пировардида ишдаги кўрсаткичларни яхшилашга хизмат қилади деб ўйлайман.

В. КРИКЛИВЕНКО,
Бухоро сут комбинати электромеханиги, партия ташкилотининг маъмурият фаолиятини контрол қилиш комиссияси раиси.

СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ХИЗМАТИНИНГ ЙИРИК МАРКАЗИ

18 ноябрь куни Ўзбекистон пойтахтида «Хирургияда реконструктив операцияларнинг муваффақиятлари» мавзусида республика конференцияси бўлиб ўтди. Конференция СССР Медицина Фанлари академияси Бутуниттифоқ хирургия илмий марказининг Тошкент филиали ташкил этилганлигининг ўн йиллигига бағишланди.

Конференция ишида Москвадан, республиканинг барча областларидан келган етакчи олимлар ва мутахассислар қатнашдилар. Даволаш ва диагностиканинг энг янги методлари, квант генераторлари, ультратовуш каби замонавий техника воситаларини амалий ишга жорий этиш проблемалари муҳокама қилинди.

— Тошкент филиали кенг программа асосида ишлаётган йирик даволаш ва консультация муассасаси бўлиб қолди, — деди Бутуниттифоқ хирургия илмий марказининг директори, Ленин мукофотининг лауреати академик Б. В. Петровский. — Бу ерда реконструктив хирургиянинг кўпгина ютуқларидан фойдаланилмоқда ва улар ривожлантирилмоқда, микрохирургия техникасидан фойдаланиб, мураккаб юрак ва ўпка операциялари қилинмоқда. Ўзбекистоннинг барча областлари врачларининг малакасини оширишга ҳам филиал муҳим ҳисса қўшмоқда.

Конференцияда республика институти коллективи хилма-хил илмий-амалий ишларни олиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди. Тошкент филиали базасида ихтисослаштирилган кардиохирургия, эндоскопия, қон томирлари хирургияси ва бошқа марказлар ташкил этилди, улар беморларни даволашда ёрдам бермоқда. Ҳозир бу ерда барокомплекс қурилмоқда.

Конференция ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова қатнашди.

(ЎзТАГ).

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Олий Совети Президиумининг 1985 йил 13 ноябрь Фармонига биноан Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган кўп болали 414 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди, уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилади. **(ЎзТАГ).**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ишлар мудирлиги катта референти ўртоқ Мукамбар Яҳёевага **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАРДА

СУКУНАТ

Агросаноат комплексига кирувчи корхоналар қурилишида сусткашлик юз бермоқда

Фабрика ташкил этилганига беш йил бўлди. Аввал ўрдакчилик комплексига мослаб қурилган паррандахоналарни эндиликда реконструкция қилиш ва бройлер паррандачилигига ихтисослаштириш анчадан буён давом этяпти. Объектларнинг алоҳида сметалари бўйича ажратилган маблағ ҳисобига 8 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Инкубаторий, 13 та паррандахона қурилди. Сўйиш цехида лойиҳадаги ишларнинг 30 проценти, қозонхонада 80 проценти бажарилди, 32 квартирала турар жой фойдаланишга топширилди.

Бу— катта қўламли ишларнинг муқаддимаси, холос. 24 миллион сўм капитал маблағни ўзлаштириш, 18 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш, реконструкцияни мумкин қадар тезроқ тамомлаш вазифаси турибди. Аммо қурилишда сусткашлик юз берди. Объектларнинг аксарияти чала қурилганича қолган. Областдаги 21-қурилиш трестининг 4-кўчма механизациялашган колоннаси пудратчиликни зиммага олса ҳам, объектларда сукунат ҳукм сурмоқда. Нега?

— Яхлит лойиҳа тайёр бўлмагани учун қурилишга маблағ ажратилмаётир, —деди фабрика директорининг қурилиш бўйича ўринбосари Ш. Болтаев.

Дарҳақиқат, зарбдор объектни маблағ билан таъминлаш масаласи узил-кесил ҳал этилмаганлиги бинокорларнинг қўлидан боғлаб турибди. Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш кечиктирилганлиги, совхоз қурилишига тегишли маблағ ўз вақтида ажратилмаганлиги учун «Узпитцепром» давлат комитети раҳбарлари адресига билдирилган эътироз ўринлидир. Гап сансалорликни ҳар хил баҳоналар билан оқлашда эмас, балки имконият топиш, муаммони омилкорлик билан ҳал этиш устида бормоқда.

Объектларда бўлганимизда, аянчли аҳвол кўзга ташланди. Реконструкция учун келтирилган технологик ускуналар очиқ майдонда қалашиб ётибди. Емғир, лой ва чанг таъсирида улар занглай бошлаган. Давлатнинг неча минг сўмлик мулкига бу тариқа хўжасизларча муносабатда бўлиш инсофдан эмас-ку, ахир!

Реконструкция кейинга сурилаётганлиги сабабли цех ва паррандахоналарда асосий ишлар қўл кучи билан бажарилади. Маҳсулот таннархи қимматга тушаётганлигинг боиси ҳам шунда. Масалан, ўтган тўрт йил ичида ҳар центнер ўрдак гўштининг таннархи пландагидан 61 сўм қимматлашиб кетган. Ўтган йили бир центнер товуқ гўшти етиштириш пландаги 198 сўм ўрнига 235 сўмга тушган. Шундай бир пайтда тўрт йил мобайнида фондда кўзда тутилган 7127 тонна ўрнига давлатдан 10 минг тоннадан ортиқ омихта озуқа олинган. Кўриниб турибдики, харажат чакки эмас, унинг қайтими эса кам. «Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар» дегандек, тежамкорликка риоя қилинмаса, ишлаб чиқаришни техника тараққиёти негизида интенсивлаш таъминланмаса, фойда ўрнига зарар кўриш давом этаверади.

Фабрика директори Пўлат Худойберганов экономикани чуқур таҳлил қилиш ва қатъий ҳисоб-китоб билан иш кўришга лоқайд қарамоқда. Агар фабрикага ажратилган 405 гектар ер комплекс ўзлаштирилиб, ундан юқори ҳосил олинса, парранда озуқаси учун қўшимча резерв ишга солинган бўларди. 385 гектар ер ўзлаштирилганлиги қоғозда кўрсатилгани билан суғориш ва мелиорация тармоқлари ҳали тахт қилинмаган. Фақат 138 гектар ерга экин экилиб, ҳосил олинмоқда. Сарфланган меҳнат ва маблағ кутилган самарани бермаётир.

Ўтган йили гўшт етиштириш плани бажарилмади. Ҳаммаси бўлиб 200 тонна гўшт етиштирилди, холос. Бу йилги марра — 330 тонна. Ўтган ойларда план умуман бажарилса ҳам, иқтисодий кўрсаткичлар қониқарли бўлмаяпти. Таннарх қиммат, рентабеллик ва меҳнат унумдорлиги паст. Исрофгарчиликка барҳам берилмаётир.

Корхона қурилиши поёнига етмаганлиги, планни камайтиришга уриниш, эришилган натижа билан қониқиш бир жойда тўхтаб қолиш тенденциясининг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Ахир, фабриканинг тўла қувватда ишлашига ҳозирдан бошлаб замин яратиш керакку. Реконструкцияни амалга ошириш уч миллион бройлер боқиб, йилига 3600 тонна гўшт етиштириш имконини беради. Демак, корхонанинг истиқболи порлоқ. Вазифа— истиқболни кутиб ўтирмай, белгиланган режаларни рўёбга чиқариш, бошланган ишни охирига етказишдан иборат.

Ҳозир фабрикада юздан ортиқ ишчи меҳнат қилмоқда. Аммо уларнинг унумли ишлаши учун қулай шарт-шароит яратиб берилмаган. Турар жой посёлкасида хизмат кўрсатиш тармоқлари қурилиши ўлда-жўлда. Турар-жойнинг тўртта квартираси боғча-яслига ажратиб берилган. Клуб, маиший комбинат, мактаб қурилиши эса эътибордан четда.

Қиш мавсумига тайёргарликнинг бориши ҳам қониқарсиз. Иситиш системалари тўла тахт қилинмаган. Беда ва маккажўхори уни тайёрлайдиган агрегатни ўрнатиш ҳамда озуқа цехини қуриш бошланган-у, тўхтаб қолган.

Шовот паррандачилик фабрикаси раҳбарлари етилган масалаларни ҳал этишда ишчанлик, принципиаллик кўрсатиш ўрнига «Олма пиш, оғзимга туш» қабилида бепарволикка берилганлар. Шовот район партия комитети ва ижроия комитети агросаноат комплексининг бу муҳим бўғинида юз берган ташвишли аҳволни эътироф этсалар ҳам, муаммолар амалда ҳал этилишида қатъият, изчиллик кўрсатмаётирлар. «Узпитцепром» давлат комитети фабрика қурилишини тезлатиш учун қачон конкрет чоралар кўрар экан?

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ХАБАРЛАР ФАКТЛАР

МАКТУБЛАР ТОПШИРИЛДИ

ЖЕНЕВА, 17 ноябрь. (ТАСС). Бугун Женевадаги БМТ бўлими ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги СССРнинг доимий ваколатхонасида дунёнинг 37 мамлакатидан болалар юборган беш мингдан кўпроқ мактубни топшириш маросими бўлиб ўтди. Болалар бу мактубларни КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан АҚШ президенти Р. Рейганга йўллашган. Мактубларда олий даражада ўтказиладиган Совет—Америка учрашуви қатнашчиларига Ер юзидаги барча болалар номидан мурожаат этилиб, ёш авлодни ядро ҳалокатининг даҳшатли хавфидан қутқариш ва қуролланишт пойгасига чек қўйиш учун мумкин бўлган ҳамма ишларни амалга ошириш илтимос қилинади.

«Жаҳон қушлари» ташкилотининг раҳбарларидан бири Холдер Гюссефельд бир группа болалар ҳузурида бу мактубларни СССР Олий Совети депутати Л. М. Замятинга топшира туриб бундай деди: Жаҳондаги кўпчилик одамлар каби болалар ҳам Женевага умид билан қарамоқдалар ва учрашув чоғида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга ёрдамлашадиган ижобий натижаларга эришилади, деб ишонч билдирмоқдалар.

Х. Гюссефельд уқтириб ўтдики, болаларнинг мактублари ва чизган расмлари болаларнинггина эмас, балки бутун инсониятнинг келажагидан ташвишланиш туйғуси билан суғорилган. Шу боисдан тинчлик ва қуролсизланишни ёқлаб чиқаётган ёш авлоднинг овозига қулоқ солиш зарур.

Л. М. Замятин бу мактубларни эртага Женевага келаётган КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевга топширишини айтди. У жаҳонда урушга қарши олиб бораётган қудратли ҳаракатда болалар ҳам қатнашаётганлигини билиб олади ва улар билан танишиб чиқади, деб айтди.

СОВЕТ ОЛИМЛАРИНИНГ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

17 ноябрь куни халқаро матбуот марказида таниқли совет олимлари ва экспертларидан бир группаси оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Улар олий даражада ўтказиладиган Совет—Америка учрашувини ёритиш учун турли мамлакатлардан Женевага келишган.

Академиклар Г. А. Арбатов, Е. П. Велихов, генерал-полковник Н. Ф. Червов ва бошқалар қуролланиш пойгасини чеклаш масалаларига, зарбдор кучларни космосда жойлаштирмаслик ва СССР билан АҚШнинг бир-бирининг территориясига етиб борадиган ядровий воситаларини 50 процент тубдан қисқартириш соҳасидаги янги совет таклифларига тўхталиб ўтдилар. Американинг янги жавоб таклифларига эътибор жалб этилди ва улар ўрганилмоқда, деб айтилди.

Совет олимлари ва экспертлари журналистларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб беришди.

(ТАСС).

ЗВЕЗДНИЙ ШАҲАРЧАСИДА

Мавжуд аҳдномага мувофиқ Сурия Араб Республикасининг икки граждани Ю. А. Гагарин номидаги космонавтлар тайёрлаш марказида биргаликдаги Совет — Сурия космик учишига тайёргарликни бошладилар.

(ТАСС).

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ КУРАШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БАЙРУТ, 18 ноябрь. ТАСС мухбири А. Жудро хабар қилади: Ливан ватанпарварлари ўз ватанини Исроил босқинчиларидан ҳамда уларнинг қўғирчоқ «Жанубий Ливан армияси»даги гумашталаридан озод қилиш учун курашни давом эттирмоқдалар. Ливан қаршилик кўрсатиш ватанпарварлик фронтининг жангчилари олтита муваффақиятли операция ўтказиб, душманнинг аскарлари ва техникасига катта талофотлар етказдилар. Партизанлар Кунин қишлоғи яқинида сотқинларнинг истеҳкомига қўққисдан ҳужум қилиб, 15 кишини асир олдилар. Ватанпарварлар Хасбан, Ятер районларида ва Ҳақбан тепаликларида ҳам душманнинг постлари ва позицияларига ҳужум қилдилар. Маржаюнда «Жанубий Ливан армияси»нинг бош казармаси гранатомётлардан ўққа тутилди.

Исроил агрессорлари ва уларга ёлланган сотқинлар халқ қаршилиги тўлқинини пасайтиришга уриниб, Ливан жанубидаги тинч аҳолига қарши жабр-зулмни тўхтатмаяптилар. Улар Ятер ва Кафра аҳоли пунктларини яна ваҳшиёна тўпга тутдилар. Сионист газандалар Шибаа қишлоғида яна бир жазо хуружини ўтказиб, ёппасига тинтув қилдилар ва ҳеч бир гуноҳсиз ўнлаб кишиларни қамоққа олдилар. Айнкнейя ва Айн-жарфа аҳоли пунктларида Исроил малайлари ливанлик ёшларни майдонга тўплаб, сизларни туғилиб ўсган жойларингиздан сургун қиламиз ва қаттиқ жазолаймиз, деб таҳдид қилиб, уларни қўғирчоқ армияга киришга мажбур этишга уриндилар.

Байрутда вазият бир мунча кескинлашди. Демаркация чизиғи бўйлаб мухолиф томонларнинг отрядлари ўртасида бир неча марта отишмалар авж олиб кетди, шу сабабли пойтахтнинг ғарбий ва шарқий секторлари ўртасидаги йўл икки марта ёпиб қўйилди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ПРАГА

Чехословакиянинг Комаров шаҳридаги «Бузулук» машинасозлик заводи совет буюртмаларини муддатидан илгари бажарди. СССРга каучукни пресслаш учун мўлжалланган технологик линиялар, бошқа асбоб-ускуналар жўнатилди. Комаров машинасозлари совет мижозлари билан 30 йилдан буён яқин амалий алоқаларни амалга оширмоқдалар. Завод маркаси қўйилган маҳсулот СССРдаги корхоналарда кенг қўлланилмоқда.

ЛОНДОН

«Бритиш эйруэаз» компаниясига қарашли «Конкорд» авиалайнери ўз рейсини дарҳол тўхтатиб, Лондондаги «Хитроу» халқаро аэропортига авария сабабли қўнишга мажбур бўлди. Самолёт учиш-қўниш йўлагидан кўтарилган пайтда покришкалардан бири ёрилиб кетганлиги бунга сабаб бўлган.

Кейинги вақтларда «Хитроу» аэропортида «Конкорд» авиалайнери билан иккинчи марта шундай воқеа рўй берди. Бундан аввал самолёт қўнаётган вақтда покришка ёрилиб кетган эди.

РИМ

Жанубдаги унча катта бўлмаган Бриатико шаҳрининг мэри (Калабрия области) Италия Социалистик партиясининг вакили Жузеппе Грассо қўлига кишан солиниб, турмага олиб кетилди. У жиноий ташкилотни тузганликда, хизмат мавқеини суиистеъмол қилишда, қаллобликда айбланди. Тергов-нинг аниқлашича, Бриатико мэри давлат уй-жой қурилишига ажратилган маблағларни ўзлаштириб олган. Унинг чўнтагига бир неча юз миллион лира тушган. Бундан ташқари у бир қанча сохта қурилиш кооперативларини тузган. Матбуотнинг таъкидлашича, Италия Социалистик партиясининг вакиллари турли молиявий қаллобликларга биринчи марта қўшилиб қолаётганлари йўқ.

БОГОТА

Колумбиянинг Антиокиа департаментида катта автомобиль ҳалокати рўй берди. Тоғ йўлларининг бирида экскурсиядан қайтиб келаётган болалар тушган автобус бурилиш жойига сиғмай қолиб, қияликка тушиб кетди. Авария натижасида 20 дан кўпроқ киши ҳалок бўлди. Оғир жароҳатланган 27 йўловчи касалхонага келтирилди.

БУЭНОС-АЙРЕС

Аргентина пойтахти кўчаларида автомобиль — йўл ҳодисалари ва бахтсиз ҳодисалар тобора кўпайиб бораётганлиги маҳаллий маъмурларни жиддий ташвишга солмоқда. Шу йилнинг ўн ойи ичидагина пиёдаларни босиб кетиш ва автомобилларнинг тўқнашувлари натижасида уч мингдан кўпроқ киши азият чекди, 177 ҳодисада одамлар нобуд бўлди. (ТАСС).

ТАДБИРКОРЛИК САМАРАСИ

И. У. ҚУЧҚОРОВ,
Халқ депутатлари Сирдарё область Совети ижроия комитетининг раиси

КПСС XXVII съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш йўлида астойдил курашаётган қўриқ областимизнинг фидокор дала меҳнаткашлари, ишчилар синфи, зиёлилари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Она-Ватанга 411 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилиб, пахта етиштириш ва давлатга сотиш бўйича йиллик план ҳамда социалистик мажбурият ошириб адо этилди. Ана шу ҳосилнинг 73 процентдан кўпроғи биринчи сортга қабул қилинди. 67 процент «оқ олтин» қудратли техника ёрдамида терилиб олинди. Бу рақамлар областимиз меҳнаткашларининг она-Ватанга, Коммунистик партияга берган сўзларининг устидан чиқиш йўлида нақадар катта куч, ғайрат-шижоат билан кураш олиб борганликларидан ёрқин далолат. Эришилган муваффақиятга Ворошилов, қўриқ Оқолтин, Ильич, Гулистон, Комсомол, Боёвут ва бошқа районларнинг азамат деҳқонлари баракали ҳисса қўшдилар.

Пахтачилик — қўриқ областимиз экономикасининг асосини ташкил этади. Область партия комитети ва область ижроия комитети кейинги йилларда республика партия ва ҳукуматининг доимий ёрдамларига таянган ҳолда бу муҳим соҳага бўлган раҳбарликни янада яхшилашга астойдил ҳаракат қилмоқда. Айниқса, пахтачиликни комплекс механизациялашга конкрет ёндашиладиган бўлди. Жойлардаги партия, совет, хўжалик органлари фан-техника ютуқларидан кенгроқ фойдаланиш, ер, сув, минерал ўғитларни тежаб-тергаб, оқилона ишлатиш, илғорлар тажрибасини кенгроқ оммалаштириш йўлида изчил иш олиб бормоқдалар. Буларнинг натижасини эришилаётган ютуқларимизнинг тобора кўпайиши ва мустаҳкамланиб боришида кўриб турибмиз.

Тўғрисини айтганда, деҳқонларимиз бу ютуқларга осонликча эришаётганлари йўқ. Чунончи, одатдагидек бу йил ҳам кўзланган марани эгаллаш йўлида йил бошиданоқ катта қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келди. Баҳор ойларида областимизнинг энг юқори, қўриқ зонасига жойлашган Ильич ва Оқолтин, шунингдек Меҳнатобод районларининг дала меҳнаткашлари қурғоқчилик хуружларига қарши мардонавор кураш олиб боришди. Ғўзалар кўзга ташланиб, шонага кириб, деҳқон қалбига қувонч солган паллаларда кучли ёғингарчиликлар бошланди. Натижада Боёвут, Гулистон, Ворошилов, Сирдарё районлари хўжаликларининг бир қанча майдонларидаги яшнаб турган экинларни дўл уриб кетди. Лекин дала меҳнаткашлари, механизаторлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари партия, совет, хўжалик органлари раҳбарлиги остида омилкорлик, тадбиркорлик билан иш олиб бордилар. Табиат қийинчиликлари енгиб ўтилди.

Қўриқ областимиз шароити кўпчиликка маълум. Умумий майдоннинг тўртдан уч қисмида жойлашган районлардаги хўжаликларнинг меҳнаткашлари бирмунча қийин: экин майдонлари кенг, ишчи кучи кам шароитларда иш олиб боришди. Бу етишмовчиликлар экинзорларни бегона ўтлардан тозалаш, уларга ишлов бериш ва ҳосилни йиғиб-териб олишда катта машақатлар туғдирди. Лекин биз бундай пайтларда, шубҳасиз, техникага таяндик. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий омиллари — фан-техника ютуқлари, илғор тажриба ва ташаббуслардан ҳам амалий, ҳам руҳий озиқ олдик.

Бу борада Ильич, Ворошилов, Оқолтин районларида олиб борилаётган ишлар эътиборга лойиқ. Кейинги йилларда ильичликлар пахтачиликдаги асосий ишларни техника зиммасига юклашди, ворошиловликлар эса деҳқончилик маданиятини юксалтириб, янги тажрибалар орттиришди, оқолтинликлар ишни ташкил этишнинг прогрессив усулларидан самарали фойдаланишда салмоқли ютуқларга эришдилар. Бу ютуқлар эндиликда кўпчиликнинг мулкига айланиб бормоқда.

Ворошилов райони деҳқонлари, механизаторлари, барча дала меҳнаткашлари областимизда биринчи бўлиб йиллик план ҳамда социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этдилар. Ҳозирга қадар бу районда давлатга 50 минг тоннадан зиёд пахта сотилди. Бу эса пландагидан деярли 2 минг тонна кўп, демакдир. Шунингдек, улар областда биринчи бўлиб беш йиллик топшириқларини ҳам муддатидан илгари бажардилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қодиржон Султонов раҳбарлик қилаётган Карл Маркс номли колхозда бирнеча йиллардан буён 35-40 центнердан ҳосил олиб келинмоқда. Райондаги Куйбишев номли, Свердлов номли колхозлар, «Социализм» совхози муттасил юқори ҳосилли хўжаликларга айланиб қолди. Бу йил районнинг энг оғир, камҳосилли зонасида деҳқончилик қилишаётган «Шўрўзак» совхози пахтакорлари ҳам пешқадамлар қатори ғалаба марасини эгаллаб, барчага ўрнак бўлдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, илғор метод ва технология билан қуролланган ворошиловликлар учун 50 минг тонналик марра йиллик оддий нормага айланиб қолди.

Оқолтин райони меҳнаткашлари ҳам ўтган йилги сабоқлардан тегишли хулосалар чиқариб, бу йил олдинги йиллар шуҳратини тиклашди. Бу ерда ҳозиргача давлатга 77 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилди. Оқолтин агросаноат бирлашмасига қарашли «Фарғона», «Чинобод» совхозлари теримда чинакам уюшқоқлик, тадбиркорлик намуналарини кўрсатдилар. «Фарғона» совхози коллективи давлатга 21 минг тоннага яқин қимматли хом ашё етказиб берди. Бу — пландагидан деярли 3 минг тонна кўп. Ана шу кўрсаткичнинг ўзиёқ хўжалик деҳқонларининг юксак маҳоратлари ва фидойиликларини кўрсатиб турибди. Район пахтакорларининг бу йилги ютуқларига «СССР 60 йиллиги», «Партия XXIII съезди» хўжаликлари меҳнат аҳлининг қўшган ҳиссаси ҳам баракали бўлди.

Бу йилги мураккаб шароитда ўз ишларида жиддий бурилиш ясаб, юксак ғалабага эришган Гулистон, Комсомол районлари меҳнаткашлари ҳам ўн биринчи беш йилликни ёруғ юз билан якунламоқдалар. Гулистон районидаги «Октябрь» колхози деҳқонлари бу йил 8 минг тоннага яқин пахта ҳосили етиштириб, райондагина эмас, областда илғорлар қаторида бормоқдалар. Шунингдек, райондаги Ленин номли, Крупская номли колхозларнинг меҳнат аҳли ҳам уюшқоқлик билан иш юритиб, олдингилар сафидан ўрин олишга муваффақ бўлдилар. Комсомол, Ильич районлари миришкорлари ҳақида ҳам ана шундай илиқ сўзлар айтиш жоиздир.

Бугунги зафар соатларида Комсомол районидаги «Москва», «Мирзачўл», Боёвут районидаги Руцкий номли, Ильич районидаги «Октябрь 60 йиллиги», Гагарин номли, Узоқов номли, Ғафур Ғулом номли, Меҳнатобод районидаги «Пахтакор» совхозлари, Сирдарё районидаги «Ленинград» колхози ҳамда «Малик» совхози меҳнаткашлари эришган ютуқларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишни истардик. Бу хўжаликларда зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш йўлида намунали иш олиб борилдики, эндиликда улар эришган ютуқлар билан ҳаммамиз фахрланмоқдамиз.

Областимиз техника жиловкорларининг довруғи бутун республикамизга тараллайўлни бундан буён ҳам давом эттирамиз. Заҳарли химикатлардан имкон борича камроқ фойдаланиб, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши биологик метод билан курашни авж олдирамиз. Унинг янада фойдали ва самарали йўлларини қидирамиз. Зеро, бу — эндиликда ҳаёт талаби, давр тақозоси ҳамдир.

Шуни алоҳида айтиш керакки, областимизда бу йил машина теримига ҳар қачонгидан ҳам пухта тайёргарлик кўрилди. Ғўзани машинабоп қилиб ўстириш, техника ремонтини сифатли ўтказиш, «зангори кема» капитанлари малакасини ошириш партия, совет, хўжалик органлари диққат марказида бўлди. Дефолиация вақтида, сифатли ўтказилди.

Йиғим-терим пайтида ташкилотчилик, сафарбарлик ишларининг юксак даражада бўлишини таъминлашга ҳаракат қилдик. Область партия комитети, шунингдек барча районларнинг партия комитетлари қошида пахта штаблари ташкил этилиб, уларнинг кеча-кундуз фаол ишлаши таъминланди. Штабларда йиғим-терим ишларини оператив ҳал этиш билан боғлиқ бўлган барча вазифаларга ижобий якун ясалди. Йиғим-терим тактикаси ва стратегиясининг тўғри белгиланиши ва изчил амалга оширилиши туфайли октябрь ойи ҳамда ноябрь ойининг дастлабки ўн кунлиги мобайнида етиштирилган ҳосилнинг 90-95 процентдан кўпроғини тез ва соз йиғиштириб олишга эришдик. Ана шу давр мобайнида областимиз меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ҳамда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини сурункасига тўрт марта қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Ворошилов, Боёвут, Ильич районларининг меҳнаткашлари мусобақада фаол иштирок этиб, байроқдор районлар сафидан ўрин олдилар.

Бундай ютуқларни қўлга киритишда моҳир дала гвардиячиларимизнинг хизматлари катта бўлди. Биз бугун Ильич районидан — СССР Давлат мукофоти лауреати Камол Халилов, Очил Турсунқулов, ворошиловлик Исо Фарҳодов, Ҳамро Мирзаев, Очил Избосаров, Усмонқул Азимов, Ширин Шарапов ўртоқларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз. Оқолтинлик Машраб Темиров, Болибек Ҳудойбердиев, Эрназар Эгамназаров, Аҳмаджон Мирзаев, Мўмин Султонов, гулистонлик Мамлакат Суярова, комсомоллик Алишер Ҳожиматов, Келди Пирматов, боёвутлик Қўчқор Жуманов, Наримон Илёсов, Фотима Мирзаева, Аҳтам Алиев сингари суворийлар шаънига таҳсинлар айтамиз. Уларнинг ҳар бири мавсумда хирмонга 150, 200, 250 тоннадан пахта тўкиб, дала меҳнаткашларини съездолди йилида зарбдорларча меҳнат қилишга даъват этдилар.

Якунловчи йил йиғим-терими мавсумида чевар теримчиларимиз ҳам алоҳида ғайрат кўрсатдилар. Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, кекса онахонлар ва отахонлар, Гулистон, Янгиер, Сирдарё, Ширин шаҳарларининг меҳнаткашлари — барча бирдек зафар муддатини яқинлатишга муносиб улуш қўшдилар. Боёвутлик Зуҳра Маматқулова, Малика Ҳасанова, Яхшигул Пардаева, Зубайда Қорабоева, комсомоллик Замира Сангилова, Қорасоч Оққулова, ворошиловлик Холбуви Деҳқонова, Мавлуда Мансурова каби кўпгина теримчиларнинг ҳар бири 5-8 тоннадан «оқ олтин» териб бердилар. Областимиз мактабларининг ўқувчилари, студент-ёшларининг фидокорона меҳнатларидан, айниқса, миннатдормиз.

Ўроқ ва Болға иттифоқи — шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги анъанавий ҳамкорлик йил сайин кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда ва у эндиликда ўзининг ажойиб самараларини бермоқда. Ана шу қудратли ҳамкорлик меваларини исботловчи мисоллар оз эмас. Теримнинг энг масъулиятли дамларида тошкентлик дўстларимиз — ишчи ва хизматчилар, студент-ёшлар етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишда деҳқонларимизга яқиндан ёрдам бердилар. Биз бугун ўз хурсандчилигимизни улар билан баҳам кўрар эканмиз, ҳар бирига чин дилдан раҳматлар айтамиз.

Халқимизда, «дўстлар маслаҳати — олтиндан қиммат», деган ибора бор. Фарғоналик мусобақадош дўстларимиз бу борада бизга фақат қимматли маслаҳатлари билангина эмас, амалий ишлари билан ҳам мададкор бўлишаётир. Шу йил бошида Фарғонадан Меҳнатобод ва Ховос райони хўжаликларига 800 дан ортиқ хўжалик кўчиб келганди. Кўплаб пахта усталари ва механизаторларни бирлаштирган бу хўжаликлар ана шу районлар экономикасини ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Жумладан, кам ҳосилли зонада ташкил топган Меҳнатобод районида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 минг тонна кўп ҳосил етиштирилди. Ховос районидаги 1-«д» совхозида экин майдонлари кенгайди. Унумдорлик ортди. Хўжаликда йиллик пахта тайёрлаш плани ошириб адо этилди.

Областимизда давлатга пахта етказиб бериш бўйича белгиланган план ва зиммага олинган социалистик мажбурият шараф билан адо этилди. Лекин ҳали далаларимизда ҳосил бор. Йиғим-терим ишлари қизғин давом этяпти. Йил бўйи қилинган фидокорона меҳнат эвазига етиштирилган «оқ олтин»нинг бир мисқолини ҳам қолдирмай йиғиб-териб олиб, давлатга топшириш, айни пайтда келгуси йил ҳосили учун ҳам пухта замин ҳозирлаш — шу куннинг бош вазифасидир.

Пахтакор — деҳқонлар билан бирга областимиз қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида меҳнат қилаётган ғаллакору сабзаводчилар, боғбону сохибкорлар, чорвадорлар ҳам ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш учун барча имкониятларини ишга солмоқдалар.

Ҳозир барча меҳнат коллективларимизда КПССнинг янги таҳриридаги Программаси, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан партия Устави, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳалари кенг муҳокама қилинмоқда. Бу муҳим тарихий ҳужжатлар меҳнаткашларнинг сиёсий активлигини, яратувчилик қобилиятини тобора ошириб, улкан зафарларга даъват этмоқда.

Катта довон ошиб ўтилди. Олдинда янада улкан вазифалар турибди. Областимиз меҳнаткашлари йилнинг қолган даври мобайнида ҳам ўзаро мусобақани янада авж олдириб, жонажон Коммунистик партиямизнинг бўлажак XXVII съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун астойдил кураш олиб борадилар.

● Сирдарё области меҳнаткашлари пахта тайёрлаш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажардилар.

● Область заршунослари она-Ватанга 411 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб бердилар.

● Қўриқ область хўжаликларида бу йил машина теримига алоҳида эътибор берилди. 4,5 минг кишилик механизаторлар отряди кучи билан 278 минг тоннадан ортиқ пахта териб олинди. Бу ялпи ҳосилнинг 67 процентига тенгдир.

● Сирдарёликлар етиштирган пахтанинг 73 процентдан кўпроғи биринчи сортга қабул қилинди.

● Область хўжаликлари 1986 йил мўл ҳосилига пухта замин яратиш йўлида кузги-қишки ишлар комплексини бошлаб юбордилар.

Бу йил Сирдарё областида ғўза баргини тўктириш фақат ер устн аппаратлари ёрдамида амалга оширилганлиги туфайли терим агрегатлари юксак самара билан ишлатилди. Натижада область механизаторлари машина терими топширғини муваффақиятли бажариб, катта хирмонга баракали улуш қўшдилар.

Ильич районидаги Волков номли совхозда ҳам «зангори кема»лар қувватидан унумли фойдаланилди. Машиналар шарофати туфайли хўжаликнинг Нурмуҳаммад Бахмалов бошлиқ бригадаси аъзолари октябрь ойидаёқ йиллик план ва социалистик мажбуриятини ошириб адо этдилар.

Суратда: илғор бригада бошлиғи Н. Бахмалов.

А. Тўраев фотоси.

• *Бизнинг календарь*

БУТУНИТТИФОҚ ОҚСОҚОЛИ

М. И. Калинин туғилган кунининг 110 йиллигига

Атоқли партия, давлат арбоби, буюк В. И. Ленининг шогирди ва сафдоши Михаил Иванович Калинин (1875—1946)нинг номи мамлакатимиз шонли тарихига абадий ёзиб қўйилган. Тверлик собиқ деҳқон, Питер ишчиси М. И. Калинин инқилобчиларнинг шундай авлодига мансубки, В. И. Ленин уларни халқ қаҳрамонлари, деб атаган эди. Михаил Иванович дастлабки яширин марксчи тўгаракларга раҳбарлик қилди, стачкаларни уюштирди, В. И. Ленин билан биргаликда большевиклар партиясини тузиш учун курашди. 1905 — 1907 йиллардаги революцияда, Улуғ Октябрь инқилобини тайёрлашда фаол иштирок этди. Шулар сабабли чор ҳукумати уни тинимсиз таъқиб қиларди. Михаил Иванович қаерда бўлмасин — Петербург ёки Тифлисдами, Ревел ёки Москвадами— ҳамма ерда пролетариатни революцион курашга ҳозирлашда муҳим ҳисса қўшди.

Михаил Иванович 27 йил узлуксиз ишчи ва деҳқонлар давлатининг олий органига етакчилик қилди ва ўз фаолияти билан социализм шароитида бошқариш, бу эн аввало, оммани тарбиялаш ва уюштириш эканлигини исботлади. Калинин В. И. Ленин билан биргаликда ССР Иттифоқи пойдеворини яратди. У 1924 ва 1936 йиллардаги СССР Конституцияларини ишлаб чиқишда актив иштирок этди. Халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш учун талай иш қилди.

М. И. Калинин гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши йилларида душманни тор-мор қилиш ишига баракали ҳисса қўшди. Унда табиатан ноёб ақл-идрок, қомусий билим ва синфий ўта ҳушёрлик хислатлари мужассамлашганди. Айни пайтда Михаил Иванович ленинчасига оддий ва принципиал ҳам эди. У билан учрашган, суҳбатлашган кишиларнинг ҳаммаси Михаил Иванович Калининнинг ниҳоятда камтарлигини, биллурдек софлигини қайта-қайта таъкидлашади.

— Ўртоқлар, — деган эди М. И. Калинин, — тарих бизнинг зиммамизга масъулиятли ва фахрли вазифани — синфий курашимизни коммунизмнинг тўла ғалабасигача олиб бориш вазифасини юклаган... Бунинг учун эса биз СССРнинг барча меҳнаткашларини оташин ватанпарварлик руҳида, ўз Ватанига чексиз меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашимиз даркор.

М. И. Калининнинг партия ҳаёти, коммунистик тарбиянинг турли масалаларига бағишланган асарлари ҳозир ҳам кадрларимиз учун амалий ишда қўлланма бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

БУГУН ~ РАКЕТА ҚУШИНЛАРИ ВА АРТИЛЛЕРИЯ КУНИ

ОЛОВЛИ ҚАЛҚОН

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати 1959 йил декабрида СССР Қуролли Кучларининг янги турини — Ватаннинг ракета-ядро қалқони бўлмиш стратегик вазифаларни адо этувчи ракета қўшинларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. 1964 йилдан бошлаб 19 ноябрь ракета қўшинлари ва артиллерия куни сифатида нишонланмоқда. Байрамнинг янгича аталиши Қуролли Кучларнинг ташкилий структурасида, техникавий таъминланишида рўй берган чуқур ўзгаришларни, чинакам революцион ўзгартишларни акс эттирди. Мамлакатнинг мудофаа қобилиятини ва бутун жаҳон социалистик ҳамдўстлигини мустаҳкамлашда ракета қўшинлари ғоят катта аҳамиятга эгадир. Ғоят юксак жанговар шайлик ,амалда чекланмаган масофага, ҳар қандай вақтда ва ҳар қандай шароитда ғоятда аниқ зарба уриш қобилияти СССР Қуролли Кучларининг тури сифатида ракета қўшинларининг асосий хусусиятларидан бири.

Ҳозирги замон ҳарбий техникаси қанчалик қудратли бўлмасин, партия билан халққа астойдил содиқ кишилар армиямиз жанговар қудратининг ҳал қилувчи омили бўлиб қолмоқда. Ракета қўшинлари ва артиллериянинг шахсий состави юксак даражадаги техник ва тактик тайёргарликдан ўтган, ўзининг қудратли қуролини моҳирлик билан эгаллаб олган, разведка ҳамда ўт очишни бошқариш приборлари ва воситаларидан омилкорлик билан фойдаланаётган посбонлардир.

Мамлакатимизнинг хавфсизлиги, тинчликни ҳимоя қилиш манфаатлари шуни тақозо этаётган, агрессия жабрдийдаларига ёрдам бериш лозим бўлган ҳозирги пайтда солдат ва офицерларимиз кекса авлод анъаналарини муносиб равишда давом эттирмоқдалар.

СССР Қуролли Кучларининг ракетачилари ва артиллериячилари ўзларининг анъанавий байрамини нишонлай туриб, бундан буён ҳам совет халқининг қаҳрамонона зафарлари посбонлари, социалистик Ватаннинг қуролли ҳимоячилари юксак номига муносиб бўламиз, деб Коммунистик партияга ваъда бермоқдалар.

Суратда: Қизил Байроқ орденли Прикарпат ҳарбий округининг ракетачи жангчилари дам олиш пайтида.

В. ПЕСЛЯК фотоси (ТАСС).

• *Чорвачилик—зарбдор фронт*

ЖИДДИЙ СИНОВ ОЛДИДАН

Қишлов чорвадорни ҳар томонлама синовдан ўтказади. Шу боиси, ўзини жамоат чорваси жонкуяри деб билган ҳар бир чорвадор бу жиддий мавсумга олдиндан пухта ҳозирлик кўриш ҳаракатида бўлади.

Советобод районидаги «Улус» совхози чорвадорларининг шу кунларда қишга кўраётган тараддудлари таҳсинга лойиқ. Хўжалик меҳнаткашлари озуқа тайёрлаш йиллик планларини районда биринчи бўлиб бажардилар. Улар ёз фаслининг ҳар бир дақиқасидан омилкорлик билан фойдаланиб, бу йил яйловларда мўл бўлган тўйимли озуқа — янтоқ, каррак сингари ўт-ўланларни барвақт йиғиштириб олдилар.

Совхоз бўйича ҳозирга қадар тайёрланган жами ем-хашак 13.500 тоннадан ошиб кетди. Бу йиллик планнинг салкам 125 процентига тенг. Энг муҳими, хўжалик аҳли озуқа тўплаш суръатини ҳамон бўшаштиргани йўқ. Шу кунларда 3-, 5-бўлимлардаги суғориладиган майдонларда қизғин иш олиб бориляпти. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1984 йил) Пленуми қарорларини изчил амалга ошириш учун курашаётган 5-бўлим чорвадорлари суғориладиган майдонлар ҳажмини 783 гектарга етказиб, бу майдонларда 9 та махсус озуқа етиштириш бригадаси ташкил этдилар.

— 7 та бригадамизда асосан маккажўхори ва беда экилган, — дейди совхоз директори Қ. Қораев. — Бундан ташқари оралиқ экинлар — перко, рапс ва жавардан ҳам мўл ҳосил етиштирдик. Бедазорларнинг ҳар гектаридан 300 центнердан ошириб ҳосил олинди. Ҳар гектар маккажўхоризорнинг ҳосилдорлиги эса оралиқ экинлари билан биргаликда 480 центнерга тўғри келди. Ҳусан Тошбоев ва Худойберди Эшниёзов ўртоқлар етакчилик қилаётган бригадаларда энг юқори кўрсаткичга эришилди. Асосий мақсадимиз чорвачилик озуқа базасини янада мустаҳкамлаш, ўтган йил йўл қўйилган камчиликларни тақрорламаслик ва хўжалик чорва молларини янада кўпайтириш ҳамда маҳсулдорлигини оширишдир.

Дарвоқе, 1984—1985 йилги қишлов даврида хўжаликда ем-хашак танқислигига йўл қўйилди. Натижада анча талафот ҳам кўрилди. Говмишлар маҳсулдорлиги белгиланган нормадан паст бўлди. Бу йил эса ўша хатолардан етарли сабоқ олган совхоз чорвадорлари хашак тайёрлаш планини ошиғи билан бажаришга эришдилар. Суғориладиган майдонлар ҳисобига 2760 тонна сенаж, 2070 тонна силос ва 1430 тонна беда тайёрланди. Маккажўхори, беда ва оралиқ экинларидан мўл ҳосил олишда механизаторлардан Мусо Жўраев, Яхшибой Очилов, Линур Маҳмудов, сувчилардан Эркин Хушвақтов, Наман Мелиев, Искан Холбоев ўртоқларнинг ҳиссаси катта бўлди. Етиштирилган ҳосилни тезу соз йиғиштириб олишда Бўри Мавлонов, Тошпўлат Мингбоев сингари комбайнчилар жонбозлик кўрсатдилар.

Ҳозир хўжаликда суғориладиган майдонларда маккажўхори ҳосили тўла йиғиштириб олиниб, шудгордан чиққан ерларга перко ва рапс экилмоқда. Қорамолчилик ва қўйчиликка ихтисослашган совхоз чорвадорлари жиддий имтиҳон олдида турибдилар. Улар қишловга фақат мўлкўл ем-хашак жамғарибгина қолмай, молхоналар, қошарлар, чўпон уйларини ҳам вақтида шайлаб қўйдилар. Бир сўз билан айтганда хўжаликда қишловни намунали ўтказиш учун ҳамма шароит муҳайё.

А. САТТОРОВ.

«ҲОСИЛ—85»

● ТОШКЕНТ

Ўрта Чирчиқ райони пахтакорлари социалистик мажбурият бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Қабул пунктларига 43 минг тонна пахта топширилди. Бу муваффақиятга Охунбобоев номли, Терешкова номли, К. Маркс номли, Свердлов номли ва «Северний маяк» колхозларининг аъзолари муносиб ҳисса қўшдилар.

Район деҳқонлари яна 500 тонна «оқ олтин» тайёрлаш мажбуриятини олишди.

* * *

Пискент районидаги «Гулистон» колхози пахта тайёрлаш бўйича социалистик мажбуриятни адо этди. Она-Ватан 3451 тонна хом ашё қабул қилиб олди. Ҳосилнинг 2228 тоннаси «зангори кема»лар бункеридан тўкилди.

● СУРХОНДАРЁ

Термиз районидаги Жданов номли колхоздан пахта тайёрлаш бўйича социалистик мажбурият бажарилганлиги ҳақида хушхабар келди. Ҳар гектар ердан 42 центнердан ингичка толали пахта териб олиниб, қабул пунктларига 6304 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳотам Баротов, Жўра Чорнев, Рўзи Раҳматов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари ҳосилдорликни 45-47 центнерга етказишга эришдилар.

* * *

Ленин йўли районидаги Охунбобоев номли совхоз пахтакорлари дастлабки довонни эгалладилар. Қабул пунктларига 13 минг 425 тонна ипак пахта топширилди. Ҳосилдорлик 33 центнерни ташкил этди. Ҳосилнинг 79 процента машиналар ёрдамида териб олинди.

Хўжалик заршунослари жами ҳосилни 14 минг 625 тоннага етказиш учун курашмоқдалар.

● НАВОИЙ

Қизилтепа районидаги «Ленинград» колхози пахтакорлари зафар марраснни эгалладилар. Давлатга сотилган 2505 тонна хом ашёнинг 1265 тоннасини ингичка толали пахта ташкил этди. Ҳар гектар ердан 40-45 центнердан ҳосил олишга эришган Фарҳод Асадов, Нарзи Убайдовлар бошлиқ бригадаларнинг миришкорлари бу ютуққа баракали ҳисса қўшдилар. Колхозда яна 250 тонна пахта тайёрлаш учун қизғин кураш кетмоқда.

ПАХТАЗОР ИЛҲОМЛАРИ

ҚАЛБИМ ҚЎРИДА БОРСИЗ

Ифтихорим, асл пахталар,
Кўзларимнинг нурида борсиз.
Кўнглим ўсар боқсам тоғ қадар,
Ўзбекистон Гербида борсиз.
Далаларга тонгда чиқаман,
Жамолинга тўймай боқаман.
Пахтазорим — юлдузли чаман,
Шоирларнинг шеърида борсиз.
Элимга сиз олтиндан азиз,
Нонимиз ҳам сиз билан лазиз,
Нобуд бўлмас толангиз ҳаргиз,
Юрагимнинг қўрида борсиз!

Тўра ЖУМАН.

СЕН САБАБ...

Оқ юзингдан бир ўпай, кел, пахтаойим, пахтаой,
Бўлмасанг мунча сулув, мунча мулойим, пахтаой.
Етди хирмонинг бугун мовий фалак пештоқига,
Сен менинг тоғдек виқор, кўрку чиройим, пахтаой.
Шошилур оғушингга ошифта ошиқ сингари
Шарқироқ дарё, канал, анҳору сойим, пахтаой.
Сен ила достон эрур номим жаҳонга, шул сабаб
Ёзу қиш парвонаман бошингда доим, пахтаой.

Едгор бахши ИСҲОҚОВ.

Болаларингизга ўқиб беринг

ТЕРИМЧИ

Етти ёшли
Холида ҳам
Теримчи.
Унинг қандай
Теришини
Кўринг-чи!
Катталардай
Тезу тоза
Теради.
Пахтакорга
У ҳам ёрдам
Беради.
Холидахон —
Жуда ҳам ёш
Теримчи.
Ўқишда ҳам,
Теримда ҳам
Биринчи.

Олқор ДАМИН.

ОРЗУ

Пахтамизнинг оппоқлиги
Оқ гулимга ўхшайди.
Унинг тоза ва поклиги
Қалб-дилимда яшайди.
Тонна-тонна пахта терар
Отам менинг — пахтакор.
Меҳнатлари улуғланар
Юртда, дея, нафтнхор.
Отажоним зафаридан
Қувончларга тўламан.
Келажакда мен ҳам ўсиб
Зўр пахтакор бўламан!

Саодат ТОЖИ.

ҚУЁШНИ ЮМАЛАТИБ

Дон орқалаб қумурсқа,
Мажол қолмай юрмакка,
Тўхтаб қолди дуч келиб,
Кўз ёшидай кўлмакка.
Қумурсқа дер: — Қандай кўл,
Бу йўлларда йўқ тартиб?
Қуритмоққа келсамми,
Қуёшни юмалатиб.

Одил АБДУРАҲМОН.

ОИЛА ДАВРАСИДА

ЯНА... ВЕЛОСИПЕД ҲАҚИДА

Велоспортда аллақачон икки киши бошқарадиган велосипеддан воз кечилган пайтда киевлик Сергей Кавеза ўзи ва хотини учун худди шундай конструкциядаги велосипед ясади. Янги велосипед ҳар қандай ёмон йўллардан ўтиб икковига оламжаҳон завқ бағишларди. Лекин кўп ўтмай конструкцияни ўзгартиришга тўғри келди: Сергей ва Наташа оиласида ўғил Дима туғилди. Ундан кейин Сережа дунёга келди.. Ҳозир оилавий велосипедни яна реконструкция қилишга тараддуд кўришяпти: тўнғич ўғил ҳам педаль босадиган бўлиб қолди.

С. Кавезанинг фикрича, велосипедни янада такомиллаштириб, уч нафар катта ва уч болакай бўлган оиланинг транспортига айлантириш мумкин. Болалар ўриндиғини чўзиб ёзиладиган қилса бўлади, кичкинтой бемалол саёҳат пайтида ҳам ухлаб кета олади.

Газетхонларда «саёҳат тугагач, шундай бесўнақай машинани шаҳар квартирасига қандай олиб чиқиш мумкин?» деган савол туғилиши, табиий. Кавезалар оиласи бундай ноқулайликка дуч келишгани йўқ. Чунки велосипедни қисмларга осон ажратиш мумкин.

Велосипедда соябон ҳам бор, зарур ҳолларда уни ёйиб кўтариб, ёмғирдан ва қуёш жазирамасидан сақланса бўлади. Судраладиган юкхона чодир, озиқ-овқат ва саёҳатда зарур буюмлар учун мўлжалланган. Ҳозир Сергей Кавеза янги, педали айлантириладиган эмас, балки итариладиган веломобил яратмоқда. (АПН).

ЖАСОРАТЛИ ЙИГИТЛАР

«Йиғилинг!» сигнали берилганида тун ярмидан оққан эди. Мотоўқчилар ўқдай отилиб сафга турдилар. Бўлинма жангчилари яқин орада тактика машғулотлари ўтказилишидан хабардор бўлиб, бунга тайёргарлик кўраётган эдилар. Лекин бу гал ўқув машғулотлари эмас, жанговар топшириқни бажариш лозимга ўхшаб қолди.

Афғон разведкасининг маълумотларига кўра, машқ ўтказилиши мўлжалланган районга аксилинқилобчи газандалар тўдаси бостириб кирибди. Уларни қарандой (АДР милицияси) қарши олиб, жанг бошлабди. Афғон дўстларимиз совет жангчиларидан мадад сўраб мурожаат қилган эканлар.

Колонна шитоб билан ҳалиги районга жўнади. Топшириқни пиёда қисмларнинг жанговар машиналарисиз бажариш лозим эди. Чунки газандалар тоғ чўққисида писиб ётар эдилар.

Тоғ тизмаси ёнбағрига тонготарда етиб келиб, чўққига чиқа бошладилар. Мотоўқчилар гуруҳ-гуруҳ бўлиб боришарди. Улардан бирига сержант Р. Шавкатов бош бўлди.

— Тоғда эҳтиёт бўлган маъқул, — деди у, —Ҳар бир қадамни ўйлаб босиш керак.

Бу гаплар, аввало оддий аскар В. Стоговга қарата айтилган эди Чунки у биринчи бор тоғда жанговар топшириқни бажаришда қатнашаётган эди. Солдатлар тоғ тепасига чиқишлари ва бир ҳамла билан ўт очиш учун энг қулай маррани эгаллашлари лозим эди.

Тоғларда қош қорайиши осон, тонг ҳам тез отади. Шавкатов бош бўлган гуруҳ тоғ тепасига чиқиб келганида кун ёришиб кетган эди. Энди улар душман билан юзма-юз олишадиган пайт келди.

Тоғ чўққисида совет солдатларининг пайдо бўлиши душманларни саросимага солиб қўйди. Улар тартибсиз равишда ўқ ўза бошладилар.

— Жангга! — Шавкатовнинг буйруғи янграб кетди.

ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРЧГА САДОҚАТ

ХИЗМАТ ЖОЙИ— АФҒОНИСТОН

Худди шу пайт оддий солдат Вячеслав Стогов юмалаб кетиб, катта қоя орқасида кўринмай қолди. «Наҳотки сирғалиб кетган бўлса?» — деб ўйлади хавотирланиб сержант. У газандалар томонига қараб автоматдан бетиним ўқ узди. Ҳалиги каттакон харсанг орқасидан Стогов ҳам ўқ уза бошлади.

Шавкатов мардона қарорга келди: пулеметчилардан кичик сержант Ю. Скрицин ва оддий аскар А. Бережковларга душманга ўт ёғдириб туришни буюриб, ўзи бир гуруҳ жангчилар билан душман томон яқинлашиб бораверди. Мотоўқчилар душман устига бостириб бораверишар, улар эса ўқ дўлдай ёғилаётгани учун бошларини кўтара олмас эдилар.

— Граната отилсин! —деб буйруқ берди сержант.

Чор атрофни гумбур-гумбур босиб кетди: пулеметлар тириллар, гранаталар портлар, шовқин-сурон авжига минарди. Душманнинг орқа томонида афғон жангчилари ҳужумга ўтдилар. Икки қанотдан эса ёрдамга келган мотоўқчиларнинг бошқа гуруҳлари жангга кирди. Душман жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатса-да, лекин уларнинг куни битган эди.

... Сержант Шавкатов оддий аскар Стогов ёнига келганида у харсангтошда бамайлихотир ўтириб олиб, қўлини боғлаётган эди.

— Ўқ тегдими?

— Қайдам, — хотиржам жавоб берди солдат. — Ўқ ялаб ўтдими, ёки тошга уриб олдимми, билолмадим. Туза-либ кетади. Ўртоқ сержант, тоғда қадамни ўлчаб босиш керак, деб топиб айтган экансиз.

ҚАСОС

Газандалар қишлоққа тонг отарда кириб келишди. Уларнинг хатти-ҳаракатлари қишлоқ аҳлини танг қолдирди: қарияларга иззат-икром, деҳқонларга нону насиба, совғасалом...

Қария Махмешар душманларнинг «саховатию, меҳрибончилигига» ишонмади. Ўтган наврўз байрамида унинг бошига тушган мусибатлар ҳали эсидан чиққани йўқ. Ўшанда душманлар қишлоқ-қа бостириб кириб, мактабга ўт қўйишган, муаллимни ўлдиришган, Махмешарнинг эса тангри таолога шукрона айтмай, шаккоклик қилгани учун қулоғини кесиб ташлашган, қизи Заргунани ўқишга юборгани учун таъзирини беришган эди. Мўйсафиднинг бошқа ҳамқишлоқлари ҳам аксилинқилобчиларнинг найрангига ишонишмасди.

Душманлар қишлоққа елдек келиб, селдек кетишди. Газандалар уларнинг изидан афғон бўлинмаси тушганини билишар эди. Махмешар душманлар қадамини қузатиб турди. У тоғларни қадамбақадам кезиб чиққан ва босмачилар қаерга яшириниши мумкинлигини аниқ айтиб бера олар эди. Шунинг учун ҳам қишлоққа афғон солдатлари кириб келишганида, у командирга пешвоз чиқди.

Майор Р. Насрулло қариянинг гапларини диққат билан эшитиб, харитани ёйди. Душманлар дарадан ўтиб, чап бериб кетишлари мумкин эди. Афғон қисмининг командири радио орқали ўзининг шўравий дўсти майор Леонид Бланк билан боғланиб, дара йўлини тўсиб қўйишни илтимос қилди.

Совет жангчилари белгилаб қўйилган вақтда ўша жойга келиб, ўт очиш позицияларини эгалладилар. Кўп ўтмай, душман галаси ҳам пайдо бўлиб қолди. Дарадан чиқаверишда газандалар совет солдатларини нишонга олиб, автоматдан ўқ уза бошладилар. Совет жангчилари жавоб ўти очиб душманни ер тишлатдилар. Аксилинқилобчилар галаси «тузоққа» тушган эди.

Шу орада етиб келган афғон қисмлари ҳужумга ташландилар. Босмачилар тоғу тошлар орасига тўзиб кетишди. Лекин кўп ўтмасдан, қоялар ортидан оқ латта боғланган таёқ кўринди. Яна бир газандалар тўдаси кунпаякун бўлди.

А. НИКОНЕНКО,
ТАСС мухбири.

Афғонистондаги чекланган совет қўшинлари контингенти.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҲАҚИҚАТ

НАФСИ НАҲАНГ ҚИРОЛЛАР

Монархлар даври аллақачон ўтиб кетди. Европанинг бир қатор мамлакатлари бошида монархлар турганлиги фақат эски анъаналарга ҳурматнигина билдиради, холос. Америкада чиқадиган «Ньюсуик» ҳафталиги бу тўғрида баъзи маълумотларни эълон қилди.

Бельгия қироли йилига хазинадан икки миллион доллар пул ва ўзининг вазнига тенг миқдорда картошка олади. Бундан ташқари, унга иккита саройни таъминлаш ва транспорт харажатлари учун 600 минг доллар ажратилади. Қирол даромад солиғидан озод қилинган.

Англия қироличаси 3,6 миллион доллар пул, минг литр сут ва бир тонна ловия олади. Мамлакат хазинаси қироличанинг еттита саройи қарови учун йилига 6,3 миллион доллар маблағ ажратади. Яна 12 миллион доллар қироличага қарашли бешта самолёт, поезд ва яхталарга хизмат кўрсатиш учун сарфланади. Қиролича оиласи почта хизматларидан текин фойдаланади.

Дания маликаси на картошка, на ловия олади. Аммо унга йилда бериладиган 2,8 миллион доллардан ташқари 18 тонна сельд балиғи ажратилади. Тождор хоним солиқ тўламайди.

Норвегия қиролининг ҳаёти бирмунча камтар. У йилига 1,5 миллион доллар тасарруф қилади. Давлат яна йилига ажратадиган 1,9 миллион доллар унинг икки саройи ва ёзги қароргоҳининг харажатларига ишлатилади.

Европадаги энг камсуқум қирол Испания қиролидир, деб таъкидлайди «Ньюсуик» ҳафталиги. У хазинадан оладиган 2,2 миллион долларнинг 80 процентга яқини хизматкорлар ва саройга сарфланади. Шу сабабли қирол хонадони йилига «бир нечтагина камтарона қабул» уюштириш имконига эга, холос.

Европа монархлари, деб уқтиради журнал, уларга хазина бераётган маблағлар ва сарой сарфига давлат ажратаётган пулларга лойиқ иш қилмайдилар. Масалан, швед қиролининг ҳозирги энг асосий вазифаси — ҳар йили Нобель мукофотининг янги лауреатларини табриклаб қўйишдан иборат. (АПН).

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҚАРШИСИДА

ОРОМБАХШ ГИМНАСТИКА

Гимнастика оммавийлашиб бормоқда. Айниқса, кейинги йилларда аэробика, яъни ритмик гимнастика машғулотларига қизиқиш кучаймоқда. Бу бежиз эмас. Чунки турли ёшдаги кишилар фаол ҳаракатни ёқимли музика оғушида бажаришни хуш кўраётирлар. Минглаб ишқибозлар талабига мувофиқ Ўзбекистон телевиденеси ритмик гимнастика кўрсатувларини йўлга қўйди. Шу муносабат билан «Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири республика телевиденесининг спорт кўрсатувлари редакцияси бўлим бошлиғи И. ПЕРМЯКОВА билан учрашиб, унга бир неча савол билан мурожаат этди.

— Ирина Георгиевна, «Зангори экран» орқали аэробика машғулотларини олиб бориш қандай ташкил этилгани ҳақида сўзлаб берсангиз!

— Бундай кўрсатувларни Марказий телевиденеиенинг ижодий коллективи йўлга қўйганда биз жуда кўплаб хатлар ола бошладик. Меҳнаткашлар истакларини инобатга олиб, шу мазмундаги кўрсатув ташкил этишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Маълумки, Ўзбекистон телевиденесининг кўрсатувлари эрталаб бошланадиган бўлди. Уч ой аввал соат 7.30 да дастлабки кўрсатувимиз эфирга чиқди.

— Ритмик машғулотлар жараёнида томошабин-гимнастикачиларнинг бошловчи эканлиги ҳам инобатга олинса керак!

— Албатта, дастлабки комплекс машғулотларининг бир мунча енгилроқ, танланган музикаларнинг ҳам майинроқ бўлиши ҳисобга олинди. Машғулотларни Тошкентдаги эстрада-цирк ўқув юртининг хореографи Наталья Варюхина олиб бориб, экранга чиқувчилар ҳам талабалар эди. Шу кунларда давом этаётган иккинчи комплекс машғулотларига Ўзбекистон физкультура институтининг юқори курс талабаси, спорт мастери Ольга Йўлдошева бошчилик қилмоқда. Ижрочилар эса шу институтнинг студентларидир.

— Спортнинг бундай турига қизиқиш ортиб бораётганлигига сабаб нимада, деб биласиз!

— Назаримда, инсон табиатан мусиқага ошуфта. «Қани бошладик, бир, икки...» деган команда билан ҳаммани бирдек машғулотга жалб қилиш қийин. Кекса-ю ёш таъбига мос, дил торларини чертувчи куй янграб турса-чи, киши ўзи билмаган ҳолда тебраниши табиий.

Хуллас, бошлаган ишимиз яхши самара бермоқда. Кўпчиликнинг илтимосларига кўра шу ой бошидан: душанба, чоршанба, жума кунлари республика телевиденесининг иккинчи программаси орқали ҳам соат 19.45 да машғулотлар ўтказиш йўлга қўйилди. Муҳими, телевидение орқали ритмик гимнастикани бажариш меҳнаткашлар бўш вақтини оқилона ташкил этиш, улар саломатлигини мустаҳкамлаш омили бўлмоқда.

А. ТУРҒУНОВ.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ВЕТЕРАН ҲАМИША САФДА

Сиз суратда кўриб турган коммунист, автомобиль транспорти ветерани Борис Яковлевич Гирля Нукусдаги 2528-автобазанинг ҳурматли кишиларидан бири. Борис Яковлевич шахсий беш йиллик планини Улуғ Октябрнинг 68-йиллиги кунигача бажарди. Айни пайтда у бошчилик қилаётган ҳайдовчилар бригадаси ҳам беш йиллик планни бажарганлиги ҳақидаги рапортни топшириш арафасида турибди.

Автобазада унинг обрў-ҳурмати ва шуҳрати баланд бўлишининг яна бир сабаби бор. Борис Яковлевич ўзи бошқарган «полуторка» автомобили билан 30 йилдан кўпроқ ишлади. Шофёр бу машинаси ёрдамида фақат Нукус шаҳридагина эмас, балки Автоном республикаининг кўпгина шаҳар ва районларида ҳам юк ташиди.

Меҳнатда илғор, Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган автомобиль транспорти ходими Б. Гирля жамоат ишларида ҳам ёш коммунистларга ўрнак бўлмоқда. У Қорақалпоғистон область партия комитетининг аъзосидир.

М. ЕЛЕУСИНОВ фотоси (ЎзТАГ).

ОБ-ҲАВО

Синоптикларнинг хабар қилишича, Ўзбекистонда ҳавонинг булутланиб туриши кутилади. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм областида, Бухоро ва Навоий областларининг шимолида ёғингарчилик бўлмайди. Республиканинг қолган территориясида ёмғир ёғади. Шимоли-ғарбдан секундига 9—14 метр тезликда шамол эсади, шамолнинг тезлиги Фарғона водийси областларида секундига 15—20 метргача кучаяди. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм области, Бухоро ва Навоий областларининг шимолида кечаси 0—5 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ билан 3 даража иссиқ ўртасида бўлади. Жанубда ва Фарғона водийсида кечаси 3—8, кундузи 7—12 даража иссиқ бўлади. Республиканинг қолган территориясида кечаси 0—5, кундузи 3—8 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво кам булутли бўлади, ёмғир ёғади. Шимоли-ғарбдан секундига 7—12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3—5, кундузи 6—8 даража иссиқ бўлади. (ЎзТАГ).

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
ПУЛЛИК 7 ВА 4 ОЙЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Машғулотлар 7 ойлик курсларда 10 декабрдан бошлаб кечки вақтда ўтказилади, 4 ойлик курсларда эса 1 мартдан бошлаб кундузи ва кечки вақтларда ўтказилади.

7 ойлик курсларга ҳужжатлар 5 декабргача, 4 ойлик курсларга эса 1986 йил 1-25 февраль кунлари қабул қилинади.

Ўқиш учун 40 сўм ҳақ тўланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (ёки 10-синфда ўқиётганлиги ҳақида справка), 286-формадаги медицина справкаси, иш (ўқиш) жойидан характеристика, 4 дона фотосурат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма.

Паспорт ва ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП. Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй, маъмурий корпус, 4-қават. Тайёрлов курслари.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: 1-даволаш факультетининг ички касалликлар пропедевтикаси, болалар юқумли касалликлари, 2-хирургия касалликлари, асаб касалликлари, фармакология, онкология, (фан доктори, доцент), стоматология факультети хирургик касалликлари (фан доктори), травматология (фан доктори, профессор);

кафедра доцентлари: снёсий иқтисод, социал-гигиена, (соғлиқни сақлашни ташкил этиш билан), стоматология факультети хирургик касалликлари, болалар юқумли касалликлари, онкология;

кафедра катта ўқитувчилари: жисмоний тарбия, санитария ва стоматология факультетларида нормал анатомия, умумий гигиена, рус тили (чет эллик студентлар учун);

кафедра ассистентлари: юқумли касалликлар. 1-ички касалликлар (2)—1-ички касалликлар кафедраси қошида нефрология курси бўйича, 1 ва 2-даволаш факультетларида нормал анатомия (2 ўрин), психиатрия, 2-даволаш факультетининг умумий хирургияси, 4-ички касалликлар, 2-акушерлик ва гинекология, социал гигиена (соғлиқни сақлашни ташкил этиш билан), санитария ва стоматология факультетларида нормал анатомия, санитария факультетининг ички касалликлари, эпидемиология (2), физиотерапия (врач назорати курси билан), стоматология факультети хирургик касалликлари, хирургик стоматология (3), 3-акушерлик ва гинекология (ярим ставка), терапевтик стоматология (3), меҳнат гигиенаси, 3-ички касалликлар, 2-ички касалликлар;

кафедра ўқитувчилари: КПСС тарихи, тайёрлов бўлимида жисмоний тарбия (2), жисмоний тарбия (3), илмий коммунизм.

КОНКУРС МУДДАТИ — 13 ДЕКАБРГАЧА.

Мурожаат учун адрес: 700033, Тошкент шаҳри, 33-аloқа бўлими, К. Маркс кўчаси, 103-уй. Телефонлар: 33-37-18, 66-98-59).

ТЎЙ МУБОРАК

Хона деворларига осиб қўйилган чойшаб ва кирпечлар, гулкўрпа, зардевор ва сўзаналар ўзига хос гўзаллик ва файз беради.

Миллий услубда тикилган нақшин гуллар ўзининг нафислиги билан кўзни қувонтиради.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигига қарашли бадиий буюмлар фабрикаларининг қўли гул усталари тўйларга атаб шойи, духоба, сатин матоларга миллий буюмларни тикиб бермоқдалар.

Бундай буюмларни универсал магазинлардан, «Совғалар» ихтисослаштирилган магазинларидан сотиб олиш мумкин.

«Узместпром» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси. Телефон 76-47-11.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЕХНИКУМИДА ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИ

ОЧИЛАДИ

(6 ойлик — январь ойидан, 3 ойлик—март ойидан ва бир ойлик—июль ойидан).

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, Сарикўл кўчаси, 3-уй (66, 161-автобусларнинг «Темир йўл транспорти техникуми» бекати). Телефонлар: 32-40-85, 99-05-32.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19/XI да **Дилором**, 20/XI да **Дон Кихот**, 21/XI да **Аида**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/XI да **Ўғрини қароқчи урди**, 20/XI да **Шошма**, **қуёш**, 21/XI да **Куёв**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/XI да **Гулсара**, 21/XI да **Узилган торлар**.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли «Ўзсантехгазмонтаж» трести коллективи трест бошқармасининг бошлиғи С. Р. Раҳмоновга онаси

Фулат РАҲМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

19 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — «Горнчилар, қаердасиз!». 10.10 — Телефильм. 10.30 — «Кураш қўшиқлари». 11.15 — «Евгения Гранде». Бадиий фильм. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.05 — Концерт. 16.45 — Мультфильм. 17.00 — «Совет пейзаж живописи». 17.20 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 18.00 — 21-соната. 18.25 — Телефильмлар. 18.45— «Фан ва турмуш». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Концерт. 19.50 — КПСС XXVII съезди шарафига. 21.30 — «Время». 22.05 — Футбол. «Динамо» (Тб) — «Динамо» (К). 23.45 — «Дунё воқеалари».

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика 9.15 — Телефильм. 9.35— Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 — Француз тили. 10.55 — Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — Эстетик тарбия. 11.35 — Ботаника. 11.55 — Илмий-оммабоп фильм. 12.10 — «Шахмат мактаби». 13.00 —К. Паустовскийни ўқиб. 14.25 — Тарих саҳифалари. 15.05 — «Александр Блок ҳақида монолог». 16.05 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Опера театри таклиф этади. 19.20 — «Сибирь тупроғи». 19.50 — Баскетбол. СССР чемпионати. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 20.45 — «16 ёшгача ва ундан катталар». 21.30 — «Время». 22.05 — «Бугдойзорлар оралаб». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Тонгги тароналар». 8.00 — «Пионер телетайпи». 8.10 — «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб». 8.30 — «Ахборот». 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — «Орзу». 19.00 — «КПСС XXVII съезди шарафига». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Бугун — Ракета қўшинлари ва артиллерия куни». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — Шеърият кечаси. 23.05 — Халқаро аҳвол кундалиги.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.10 — Москва-II. 18.10 — Математика. 18.50 — Кинопрограмма. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.05 — Ўқитувчи экрани. 20.30 —«Ахборот». 20.50 — География 21.30 — Москва-II.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Чин қалбдан». 9.30 — «Мактаб, оила ва тарбия». 9.50 — «Ватанимизнинг ишончли қалқони». 12.10 — «Ишчиномма». 13.00 — «Чорвадор». 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.00 — «Давр, воқеалар, кишилар». 15.40 — «Қадрдон ва меҳрибон». 16.30 —«Ёшлик». 18.15— «Сиёсий билимлар радиоуниверситети. 18.30 — Болалар учун концерт. 18.40 — «Оғонёк». 19.40 — «Совет кишилари КПСС XXVII съездига партия ҳужжатлари лойиҳаси ҳақида». 21.00 — «Бутуниттифоқ оқсоқоли». 21.10 — «Адабий суҳбатлар». 21.30 — «Қишлоқ оқшомлари». 22.30 — Радиотингловчилар таклиф этган программа асосида концерт.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53 16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р — 06143 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. ИНДЕКС 64583. А. — 265 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12